

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ
ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ

Кўлёзма хукуқида
УДК№796.91

БЕКТОШЕВ НУРСУЛТОН АБДУГОФУР ЎҒЛИ

**Мактаб енгил атлетика секцияларида машғулот
самарадорлигини ошириш**

5А 610501 Спорт фаолияти (спорт турлари бўйича)

Магистр

Академик даражасини олиш учун ёзилган

Диссертация

Илмий раҳбар:

п.ф.н., Олимов М.С.

ТОШКЕНТ – 2016

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ

Магистратура бўлими
Кафедра: “Енгил атлетика,
оғир атлетика ва велоспорт
назарияси ва услубияти”
Ўқув йили: 2015-2016

Магистрант: Бектошев Н.А.
Илмий раҳбар: Олимов М.С.
Мутахассислик: 5А610501.
Спорт фаолияти (спорт турлари
бўйича).

МАГИСТРИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ АННОТАЦИЯСИ

Ушбу диссертация иши мактаб енгил атлетика секцияларида машғулот самарадорлигини ошриш масаласига бағишлиган бўлиб, унда тайёргарликнинг мақсад вазифалари, юкламаларни қўллаш тартиби, ёш спортчиларни саралаб олишда антропометрик хусусиятлар ва жисмоний ривожланганлик даражаси, тайёргарлиги хамда машғулот йилик юкламаларни тақсимланиши юзасидан машғулотларни ташкил этиш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилган.

ANATATION OF MASTER'S DEGREE DISSERTATION

This dissertation is devoted to the disclosure of the main problems of the organization of training in High Sports School for athletes running through the middle distance. Also the thesis reveals the support of distribution of physical exercises in micro cycle training for physical endurance of athletes.

Илмий раҳбар:

п.ф.н., Олимов М.С.

Магистер талабаси:

Бектошев Н.А.

Мундарижа:

| | |
|-------------------|----------|
| Кириш..... | 3 |
|-------------------|----------|

I БОБ Мактаб енгил атлетика секцияларида машғулотларни тузилиши, ўқувчи ёшларни жисмоний ривожланишда антропометрик кўрсаткичлар, машғулот восита усулларини қўлланиш самарадорлиги..... 6

| | |
|---|-----------|
| I.1. Енгил атлетика секцияларида ўқувчи ёшларни саралаш услугбияти..... | 9 |
| I.2. Мактаб енгил атлетика секциялари тарбияланувчи ўқувчиларни жисмоний ривожланишда антропометрик кўрсаткичларни ахамияти..... | 26 |
| I.3. Мактаб енгил атлетика секцияларида восита усулларни қўлланиши.... | 30 |
| 1-Боб бўйича хуносалар..... | 40 |
| II БОБ.ТАДҚИҚОТ ВАЗИФАЛАРИ, УСУЛЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ | 42 |
| II.1. Тадқиқот вазифалари..... | 43 |
| II.2. Тадқиқот усуллари..... | 43 |
| II.3. Тадқиқотни педагогик кузатув | 43 |
| II.4. Педагогик тадқиқртни ташкил этиш | 43 |
| II.5. Педагогик тажриба..... | 43 |
| II.6. Математик статистик усуллар..... | 43 |
| II-боб бўйича хуносалар..... | 49 |

III БОБ. Мактаб енгил атлетика секцияларига ўқувчи ёшларни саралаб олишда антропометрик хусусиятлари, улар билан машғулотлари ташкил этиш усуллари жисмоний ривожланганлик даражаси, жисмоний тайёргарликни ривожлантириш ва машғулот самарадорлигини ошириш йўллари..... 50

| | |
|---|-----------|
| III.1.Мактаб енгил атлетика секцияларидага ўқувчи ёшларни саралашда антропометрик хусусиятларини ахамияти..... | 50 |
| III.2.Мактаб енгил атлетика секцияларидаги машғулотларини ташкил этишда жисмоний тайёргарликни ахамияти..... | 58 |
| III.3 Мактаб енгил атлетика секцияларидаги машғулотларни самарали ташкил этиш йўллари..... | 69 |
| Боб бўйича хуносалар..... | 82 |
| Хуносалар..... | 84 |
| Амалий тавсиялар..... | 88 |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати..... | 90 |

КИРИШ

Буюк мақсадлармизга, эзгу ниятлармизга эришишимиз жамиятимизнинг яхшиланиши хаётимиз тараққиётини ва истиқболини амалга оширилаётган ислохотларимизнинг тақдири авваламбор, давр талабига жавоб берадиган юқори малакали, билим таффакурга эга бўлган мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан боғлик.

И. А. Каримов

Мавзунинг долзарбилиги: Ўзбекистон мустақилликка эришган вақтдан буён жисмоний тарбия ва спорт соҳасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда Президентимиз И А Каримов томонидан Жисмоний тарбия ва спортга этибор қаратилганлиги спортни ривожланишда мухум ўрин эгалайди. Мамлакатмиз аҳолисининг асосий қатламини ташкил қилувчи ёшларни соғлом қилиб тарбиялаш уларни бугунги кунда ҳар ҳил салбий таъсирлардан асраш ва уларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришда жисмоний тарбия ва спорт энг мухим восита сифатида эътироф этилган. Дарҳақиқат юртбошимиз томонидан таълим тарбия жараёнига эътибор қарататётганлиги келажакда ўқувчи ёшларни баркамол, комил, инсон бўлиб вояга этишида асосий омиллардан бири ҳисобланади, жумладан Вазирлар Махкамасининг 1997 йил 29 августдаги “Таълим тўғрисидаги” қонунида ўқувчи ёшларни спорт турларига қизиқтириш уларни малакали кадрлар бўлиб етишиб чиқиши учун барча қулайликлар ва шарт шароитларни яратиб бериш масалалари кўзда тутилган. Ўқувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ботир ва жасур бўлиб тарбия топишида енгил атлетика тўгаракларининг самараси каттадир. Бугунги кунда спорт тўгаракларида шуғуланаётган ўқувчиларни жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш

техник, тактик, психологик тайёргарлиги бўйича илмий изланишларни етакчи мутахассис ва олимлар томонидан олиб борилган.

Улардан Ф.А.Керимов, Т.С.Усмонходжаев, Ж.А.Акрамов, Р.С.Саломов, Р.Қ.Қудратов, К.Т.Шокиржонова, М.С.Олимов, Р.Д.Холмухамедов, Н.Т.Тўхтабоевлар илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Улар кўпроқ БўСМларда тарбияланувчи ўқувчи ёшларнинг йиллик машғулотларини тахлил қилиш ва ўтказиш бўйича изланишлар олиб борганлар. Аммо умумтаълим мактабларида енгил атлетика секциялари ўқувчи ёшлари учун маълумотлар берилган бўлсада аниқ машғулот йўналишлар сонлари бўйича уларнинг ишларида етарлича машғулотлар берилмаган. Бу иш фаолиятини ўрганишимизда ўзига хос камчиликлар мавжудлигини олиб борилган тадқиқотимизда аниқладик. Тайёргарлик машғулотиларини олиб боришда ўқувчиларни жисмоний тайёргарлик даражасини инобатга олмасдан машғулот юкламаларини режалаштириш ўқувчиларга енгил атлетика машқларини ўргатишида вазифалар кетма кетлигига риоя қиласлик пала партиш тартибда ўрганишини олиб борилаётганлиги, машғулотлар ўтказиш жадвалига риоя этмаётганлиги мактаб енгил атлетика секцияларини фаолиятини самарасиз чиқишига олиб келмоқда. Бу эса келажакда малакали спортчилар тайёрлаш тизимиға салбий таъсир этиш эҳтимолдан ҳоли эмас.

Лекин ҳозирги кунда барча халқ таълимига қарашли умумтаълим мактабларида енгил атлетика секциялари ташкил қилинган бўлсада, уларни фаолияти қонқарли деб бўлмайди. Шунинг учун мактаб енгил атлетика секциялари фаолиятини тартибга солиш ўқувчи ёшларнинг кўпроқ қисмини машғулотларга жалб қилиш масалалари бугунги кунда долзарб масалалардан бирига айланиб бормоқда.

Ишнинг мақсади: мактаб енгил атлетика секцияларида машғулотларни ташкил қилиш ва ўтказишида ўқувчи ёшларни ёшидан ва жисмоний тайёргарлигидан келиб чиқиб, машғулот юкламаларини тўғри тақсимлаш ва воситаларини қўллаш орқали машғулот самарадорлигини ошириш ва малакали спортчилар захирасини тайёрлаш.

Тадқиқот вазифалари: Олдимизга қўйган мақсадни хал этишда қўйдаги вазифаларни хал этдик.

1. Мавзуга оид илмий услубий адабиётларни ўрганиш тахлил қилиш ва умумлаштириш;
2. Мактаб ўқувчи ёшларнинг жисмоний ривожланганлигини, маҳсус тестлар орқали аниқлаш;
3. Мактаб енгил атлетика секциясида машғулотларни ташкил этишда ўқувчи ёшлар учун машғулот тузилмасини ишлаб чиқиш хамда амалиётда самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг обекти: Ўзбекистон Республикасининг халқ таълим вазирлигига қарашли Тошкент шаҳри Шайхонтохур тумани 84-сонли умумий ўрта таълим мактабининг 7- синф мактаб ўқувчилари.

Тадқиқотнинг предмети: Мактаб енгил атлетика секцияси тарбияланувчиларининг машғулотлар жараёни.

Тадқиқот фарази: Фараз қилиндики Мактаб енгил атлетика секцияларида машғулотларини ташкил қилишда ўқувчиларини ёшини инобатга олган холда воситаларни саралаш орқали юкламаларни 2/1 нисбатда қўллаб бориш ўқувчи ёшларни гармоник ривожланишини оширишга хизмат қилиш билан бир қаторда машғулот сифатини яхшилаш мумки экан.

Илмий янгилиги: Мактаб енгил атлетика секцияларида машғулотларни ташкил қилишда ўқувчиларни ёшини инобатга олган холда восита, усусларни саралаш орқали машғулотларни 2/1 нисбатга қўллаш орқали самарадорлигини ошириш.

Мавзу бўйича илмий адабиётлар тахлили: ўрганилаётган муаммо доирасида мактаб енгил атлетика секциясида шуғуланувчи ёш спортчиларни жисмоний сифатларини ривожлантириш тўғрисида маҳаллий ва хорижий муаллифларни манбалари таҳлил этилди.

Айниқса мактаб енгил атлетика секцияларида шуғулланувчи ёш спортчиларнинг техник тайёргарлигини ривожлантиришга оид масалалар жисмоний сифатларнинг ривожланганлик даражасини умумий ва маҳсус тайёргарлик машқларини ижро этиш техникасига таъсирини қийёсий ўрганишга урғу берилди.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий ахамияти: Мактаб енгил атлетика секцияларида машғулотларни ташкил қилиш ва ўтказишга доир илмий услугбий адабиётларни ўрганганимизда етарлича маълумотлар йўқлиги аниқланди. Ушбу тадқиқотда Умумтаълим мактабларида енгил атлетика секцияларини ташкил қилиш ва машғулотларни ўтказиш самарадорлигига этибор қаратилган бўлиб, соҳада назарий ва амалий ахамият касб этади.

Диссертация ишнинг таркибий қисми: Ушбу диссертация иши 3 боб ва кириш қисми, мавзунинг долзарблиги, ишнинг мақсади, тадқиқот вазифалари, тадқиқотнинг обекти, тадқиқот предмети, тадқиқот фарзи, илмий янгилиги, адабиётлар тахлили, тадқиқотнинг илмий ва амалий ахамияти. 1-боб Мактаб енгил атлетика секцияларида машғулотларни тузилиши, ўқувчи ёшларни жисмоний ривожланишда антропометрик кўрсаткичлар, машғулот восита усулларини қўлланиш самарадорлиги. 2-боб Тадқиқот вазифалари, ва усулларини ташкил этииш ва ўтказиш. 3-боб Мактаб енгил атлетика секцияларига ўқувчи ёшларни саралаб олишда антропометрик хусусиятлари, улар билан машғулотларни ташкил этиш усуллари жисмоний ривожланганлик даражаси, жисмоний тайёргарликни ривожлантириш ва машғулот самарадорлигини ошриш йўллари. Ва боблар бўйича хulosалар амалий тавсиялар, далолатнома, ички ва ташки тақризлар, илмий раҳбар хуолсаси, мақолалар тўплами, ва кафедра

байённомасида кўчирма диссертация ишининг таркибий қисми шулардан иборат.

1.1.Мактаб енгил атлетика секцияларида ўқувчи ёшларни саралаш методикаси:

Замонавий спортнинг натижалари даражаси шу қадар юкорики, уларга эршиш учун спортчи камёб марфологик хусусиятларга, жисмоний ва психолигик тайёргарлик жиҳатларнинг мутаносиблиги каби талабларга жавоб бериш керак, ва улар албатта, ривожланшнинг энг юқори савиасида бўлиши лозим.(Ф.А.Керимов М.Н.Умаров).

Спорт саралови –спортнинг маълум турда юқори натижаларга эршиш имконига эга бўлган, иқтидорли спортчиларни қидрув жараёни хисобланади. (В.Н.Никитушкин, Ф. А. Керимов, М Н Умаров). В.Н.Никитушкин, Ф.А.Керимов, ва бошқалар фикирларига кўра спорт саралови келажакда юқори спортчиларни таёrlаш мумкин бўлган истиқболли спортчиларни аниқлаш масаласини ечса, спортга йўналтириш эса ушбу тайёрловнинг ўқитиш ва тактикасини аниқлайди. Спорт турларига саралов ва йўналтириш спортчи маҳоратини кўп йиллик давомида такомилаштириш тузилмасига яқиндан боғланган. Шундан келиб чиқсан холда кўп йиллик тайёргарликни маълум босқичида спортчилар олдига қўйилган масалаларни еча оладаларми деган саволга жавоб олиш учун сараловнинг беш босқичигина алоҳида кўрсатиб ўтиши мақсадга мувофиқдир. Буларга мос равишда ҳар бир босқичда сараловнинг асосий вазифаси белгиланишини кўрсатиб ўтишган.

Спорт сараловнинг биринчи ва бошланғич даврида спорт билан шуғулланишини таъқиқловчи тавсиялар бўлмаган холда, баҳолар асосан таҳминий ва тавсиявий ҳарактерга эга бўлса, кейинги босқичларда улар аникроқ бўлиб боради. Бу малумотлар билан мажмуавий тадқиқотлар натижалар йиғиндиси асосланган хulosалар чиқариш учун ўтказилади. Спорт сараловида енгил атлетика машқларнинг хилма-хиллиги юриш, югуриш, сакраш, сакраш ва улоқтиришда куч ва тезкорлик машқларида муша қдаги кучни ўзгариб туриши хар-хил ёшдаги ва жинсдаги болаларда ва

катталарда енгил атлетика машғулотларида қатнашиш имконини яратади. Енгил атлетика машғулотлари мактабда жисмоний тарбия дарсларида, мактаб енгил атлетика спорт түгарагларида ўтказилади. Умумтаълим мактаб ўқувчилари ва ёшларнинг жисмоний тарбия дастурида ҳам енгил атлетика машқлариiga кенг ўрин берилган. (К.Галайев, Н.Тўхтабоев, ва Р.Қудратов.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасни тузиш тўғрисидаги“ 2002 йил 24 октябрдаги ПФ-3154-сонли Фармонида “Болаларни жисмоний ва маънавий тарбиялашнинг замонавий шакл ва услубларини, жинси, ёшига қараб болаларга спорт кўникмаларни сингдириш, спорт соҳасида иқтидорли болаларни ихтисослаштирилган спорт мактаблари ва марказларидаги машғулотларига танлаб олишнинг илмий асосланган тизимларини ишлаб чиқиши ташкил этиш ҳамда уларни татбиқ қилишга қўмаклашиш” лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Умумтаълим мактаб ўқувчилари ва ёшларнинг жисмоний тарбия дастурида ҳам енгил атлетика машқлариiga кенг ўрин берилган. Енгил атлетика билан шуғулланувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолаш, бу спорт тури билан шуғулланишни режалаштириш ва мусобақаларни юқори савияда ташкил этиш учун, уларни муентазам равишда спорт машғулотларига жалб этиш лозим. Болалар, ўсмирлар ва ўспиринлар билан ўтказиладиган енгил атлетика машғулотларнинг мазмуни уларнинг ёш хусусиятларига боғлиқ болиб, машғулотларни режалаштириш ва ўтказиш вақтида буни эътиборга олиш зарур.

Енгил атлетика машқларидан мактаб спорт тўгараклари машғулотларида, шунингдек, ёзги дам олиш оромгохларида ҳам кенг кўланилади. Енгил атлетика турларидан “Алпомиш ва Барчиной” маҳсус тест синовлари мажмуасига кўпгина машқлар киртилган. Енгил атлетика

машқлари билан мунтазам шуғуланувчиларда юрак-қон томир ва нафас олиш тизми мустахкамланади, мушакларнинг гармоник ривожланиши таъминланади, бўғинлардаги харакатчанлик яхшиланади ва асаб-мушак координацияси такомилашади.(Т.С.Усмонхўжаев, Ф.А.Керимов). Мальумки, киши организмнинг ўсиши, шакилланиши ва ривожланиши ўрта хисобда 25 ёшгача давом этади. Организмнинг шакилланиши билан бирга, боланинг суяк тизми ҳам ривожланади. Тўқмалардаги зич ғовак моддалар тузилиши ўзгаради, суяклар бўйига ва энига ўсади. (А.И.Икрамов, Д.Ахмедова.) Болалар харакат фаолияти кўп жиҳатдан генетик негизга эга, бу айниқса спортда яққол коринади. Генларнинг катта ўрин эгаллаши табиийдир, чунки ген организмнинг барча кимёвий реакцияларини бошқариб ва унинг белгиларини аниқлаган ҳолда, маълум оқсил, фермент ва бошқаларнинг синтези жараёнига замин яратиши ҳам мумкин.

Хусусан, боланинг морбофункционал белигларни гинетикасини, харакат функцияларини кўрсаткичлар, генотилин боланинг сифатларига таъсири, ушбу кўрсаткичларнинг нисбатида оиласидай ўҳшашлигининг мавжудлиги кабиларни аниқлашга етибор қаратилади. Спорт сараловининг ҳар бир босқичида нафақат ёш спортчини болаларнинг тайёрлашни мақсадга муофиқлиги аниқланди, балки, ёш спортчи болаларнинг қобилияти ва имкониятлари, техник тактик маҳоратининг кучли ва заиф томонлари, функционал тайёргарлиги харакат сифатларнинг ривожланганлиги, психологик хусусятларига тўла баҳо берилиб ўтилган босқич чукур таҳлил қилинади, унинг йўналиши катталиги ва юкламалар характеристи, ёш спортчи болаларни шахсий хусусятларига мослиги ўрганилади.(В.Г.Никитушкин, П.В.Квашук, В.Г.Бауэр).

Буларнинг барчаси келажакда спортчининг фаолиятига асос солиши ва фаолиятининг исталган соҳаларида фаол иштирок этиш имкониятларини оширишини қўзда тутар экан.

Болаларнинг спортда ютуқларга эришишдаги асосий омиллардан бири, бу унинг қайси ёшдан бошлаб шуғулланаётганлигадир. Спорт машғулотларида болалар ва ўсмирлар умумтаълим мактабларининг енгил атлетика секцияларида хам спорт муваффақиятига эршиш ёш спортчи болаларга таббий қизиқиши оширади, ўз меҳнати натижаларини ҳис этишга ва ўз кучига ишонишга ёрдам беради. Ёш спортчи болаларнинг юқори спорт натижаларига еришиш учун маҳсус ва тайёрлов машқларини йил давомида бажариб бориш керак бўлади. Бу спорт техникаси маҳорати ўсишида ёрдам беради, шулардан келиб чиқсан ҳолда, болаларни енгил атлетика машғулотларига 9-10 ёшидан жалб қилаётган умумтаълим мактабларининг енгил атлетика секциялари раҳбарлари қуидагини эътиборга олишлари лозим.

-спортга лайоқатлилигини олдиндан аниқлаш, маълумотларнинг ишончи бўлиш эҳтимолини пасайтириш хам мумкин экан.

-замонавий спорт машғулотнинг хусусиятлари спортчи организмига шундай юқори талаблар қўймоқдаки, натижада, спорт билан шуғулланишини эрта бошлаган болалар спортда эрта кетиб қолмоқдалар. Бу педагогик кузатувларнинг кўрсатишига қараганда енгил атлетика машғулотларини 9-10 ёшдан бошлаган болалар, кўп ҳолларда спортда 15-27 ёнда яъни, юқори натижаларга эришиш учун энг оқилона ёшга етганларида чиқиб кетмоқдалар. Ўқувчи болаларнинг истиқболини баҳолаш вақтидаёқ юқори натижалар спортида муваффақиятга эришишни таъминлайдиган сифат ва қобилиятларига эътибор бериш мухим бўлсада иккинчи томони уларни иқтисодий шароитлари хам бунга сабаб бўлмоқда. Вақтинча характерга эга бўлган ва фақат ўргатиш вақтида юзага чиқиши мумкин бўлган белгиларни саралов мезони сифатида қўллаб бўлмайди. Масалан, қобилиятларни аниқлаш вақтида спорт турини техникасини тез ўзлаштириш хусусияти ҳал қилувчи бўла олмайди чунки, тажрибаларнинг кўрсатишича бошланғич

ўргатиши вақтида паст бўйли, қотмадан келган болалар спорт техникасини яхши ўзлаштиради, ва юқори натижаларга еришишлари мумкин. Лекин худди шу болалар кўп йиллик тайёрловининг биринчи босқичларига ўта олмайдилар. Айни вақитда, озғин ва баланд бўйли болалар, кўпинча бошланғич даврида техникани эгаллашда қийнчиликларга дуч келсаларда, кейинчалик спортнинг турли йўналишларига олий маҳоратли спортчи бўлиб етишадилар. Шунинг учун, мактабда енгил атлетика машғулотларида сараловнинг бошланғич даврида ўзгармас (ўсиш даврида кам ўзгарадиган ва машғулот таъсирига кам боғлиқ бўлган) белгиларга эътибор бериш лозим. Енгил атлетикага болаларни саралаш вақтида уларнинг соғлигини баҳолаш катта аҳамиятга эга.(Р.Д.Холмуҳамедов, М.С.Олимов, Р.М.Маткаримов).

Спортчилар организми фаолиятида четлашувларнинг йўқлиги замонавий спортга ютуқка эришишининг энг муҳум шартларидан бирдир. Ҳаттоқи, соғлиқдаги кичкина четлашувлар, организмни кўнишиб имкониятларини кескин камайтириши мумкин. Енгил атлетика машғулотларига саралов жараёнининг бошланғич даврида болаларнинг харакатчанлигини аниқлаш имконини берадиган оддий педагогик тестлар кенг қўлланилади. Тезлик сифатларини, шидат зоналари бўйича аниқловчи тестлар ва, аэроб анаэроб машғулот бажаришда чидамлилигини баҳолаш имконини берадиган маҳсус тестларга устиворлик бериш лозим. Шунингдек психологик кўрсаткичларини эътиборга олиш жуда катта аҳамиятга эга бўлади. (В.Сергейнна.) Енгил атлетика машғулотларига сараловида ва бошқа спорт турларида асосийси психологик кўрсаткичлар бўлиб, спорт билан шуғуланишига иштиёқ билан машғулотларни бажариш вақтида юқори баҳолар олишга интилиш, қатъийлик ва тиришқоқлик, таниш бўлмаган машғулотларни бажариш вақтида қўрқмаслик жасурлик фазилатлари хизмат қиласиди.

Кўпчилик (Ф.А.Керимов, М.Н.Умаров) ва бошқа тадқиқотчиларнинг фикрича, 11-13 ёшли болаларнинг 15-20 % жисмоний ривожланиши эрта бўлади. Улар тенгдошларидан бўйи ва оғирлик, мушак, харакатчанлик кўрсаткичлари юқорилиги, айниқса спорт техникасини яхши ўзлаштириш билан устун турадилар. Гарчи бу фарқлар катта бўлмасада, меъёрида ривожланаётган болаларга нисбатан 4-8 % бироқ, машғулотлар хажми ва натижалар савияси сезиларли даражада устунликка эгалар. Енгил атлетика машғулотлари билан шуғиланиш жисмоний сифатлар кўрсаткичлари болаларни саралашда қўл келиши енгил атлетика билан бир ёки ундан кўп вақт шуғуллангандан кейинги давирда олинган жисмоний сифатлар тўғрисида маълумотлар сараловининг навбатдаги босқичлари вазифаларини ечишда фойдаланиш яхши самара беради.

Бу вазифаларни мажмуавий таҳлил асосида ҳал этиш мумкин, бунда енгил атлетика билан шуғуланувчиларни ёш спортчи болаларни морфологик, функционал, психологик хусусиятлари, уларнинг кўникумга малакалари имкониятлари, машғулот ва мусобақа юкламаларига таъсирчанлиги, янги харакатларни ўзлаштириш ва такомиллаштириш каби сифатларни эъиборга олиш керак бўлади. Енгил атлетикада машқларни максимал, субмаксимал, катта ва мўтаъдил қувват билан бажаришни талаб қиласидан даврий йўналишлар хамда даврий бўлмаган тезлик-куч, муофиклашувчи тезлик-куч йўналишлари мавжуд. Гавда тузилиши, соматик ривожланиш хусусиятлари бу машқларни бажаришга катта таъсир кўрсатади. Ёш енгил атлетикачи болаларни машғулотларда тайёргарлигининг бошланғич босқичида, болаларни енгил атлетика спорт турига лаёқати даражасини аниқлашда шахсни визуал баҳолаш усули мураббийлар учун асоси хисобланади. Демак шахсни визуал баҳолаш кўрсаткичларнинг танланаётган спорт ихтисослигига мос келишни аниқлаш учун тана тузлишининг ўлчамларини ўлчаш, уларни юқори натижага эришган спортчиларнинг кўрсаткичлари билан тақослаш

зарур. Шу билан биргаликда барча спорт турлари учун умумий бўлган бир қатор кўрсатгич мезонларни кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

-Спортчининг саломатлик холати мазкур мезон кўп йиллик тайёрланувчининг барча босқичларида қўланилади, тиббий кўрикларнинг асосий вазифаси танланган спорт тури билан шуғулланишга тўсқинлик қиласидиган белгиларни аниқлашдан иборатдир.

-Спортчи организми аъзоларининг ва тизмининг холати, мазкур мезонлар асосида кўп йиллик тайёрловнинг барча босқичларида қўлланилади, айниқса спорт билан шуғулланишни давом этиришга яроқлилигини аниқлаш чоғида хам бунга алоҳида этибор берилади.

-Морфофункционал кўрсаткичлар мажмуаси сифатидаги жисмоний ривожланиш, мазкур мезонлар асосида спортга яроқлилигикни аниқлашнинг биринчи ва иккинчи босқичларидан бошлиб қўлланилади.

Кўпчилик етакчи олимлар тадқиқотлари жараёнида аниқланишича, тезлик-куч ва даврий спорт турларида ёш спортчиларнинг истиқболлилиги асосан уларнинг жисмоний сифатлари билан белгиланади. Мраккаб мувофиқлашувчи ҳаракатлари мавжуд спорт турида спортга яроқлилиги, шуғулланувчиларнинг мувофиқлашиш имкониятларини очиш асосида аниқланади. Енгил атлетика спорт турларида ёш спротчининг истиқболлилиги спорт фаолияти жараёнида техник-тактик вазифаларни йеча олувчи унинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади. Енгил атлетикада саралов ёш спортчиларнинг жисмоний сифатлари ва ҳаракатларининг мураккаб уйғунлигини чегараланган вақт оралиғида аниқ ва муваффақиятли бажара олиш хамда рақиб ҳаракатларини баҳолаш имкониятларини ўрганиш йўли билан ўтказилади. Спортга яроқлилигини аниқлашда болалар организмнинг ривожланиш хусусиятлари эътиборга олиш лозим.

Кичик мактаб ёшдаги болаларда асаб тизми ўсиб такомиллашиб боради ва 11 ёшга келиб ривожланишнинг юқори погонасига етади. Бироқ болалар қанчалик ёш болса, унинг бош миясидаги жунбушга келиш жараёнлари шунчалик сусткашлик жараёнларидан устун кела бошлайди. Болаларнинг юқори эмоционаллиги, эътиборнинг камлиги, психологик турғунсизликлар шу сабаблидир. Кичик мактаб ёшдаги болалар учун бўй усушининг бирмунча секинлашуви ва оғирлигининг ортиши кузатилади, жисмоний етилиши давридан олдин вақтинчалик “тўхташ” юз беради. Бу давир ўгил болаларда 13-14 ёшда, қизларда эртароқ 11-12 ёшда бошланади. 9-10 ёшда болаларнинг склети суяклари хали қотмаган, нимжон, мушаклари яхши ривожланмаган бўлади. (А.Икрамов, Д.Ахмедова.)

Кичик мактаб ёшидаги болалар юраги хажми секинлик билан ортиб боради. Кон томирлари катталарникига нисбатан кенгроқ бўлади, шунинг учун болаларда қон босимининг паст кўрсаткичлари кузатилади. Кичик мактаб ёшдаги болаларнинг юқори нафас йўллари (бурун бўшлиғи, томоқ, бронхлар), катталарникига нисбатан тор. Болаларнинг нафас олиш тезлиги ($22-25 \text{ нафас\мин}$) катталарнидан бироз кўп ($16-18 \text{ нафас\мин}$). 10-11 ёшли болалар организми юракнинг самарали ишлаши хисобига юқори савияда модда алмашинувини таъминлаш хусусияти, умумий бардошлиликни талаб киласиган юкламаларга шу ёшда яхши мослашишга замин бўлади. Бу ёшдаги болаларнинг анатомо-физологик ривожаниш хусусиятлари хисобига организмнинг аэроб имкониятлари нисбатан юқори бўлади, бу хол катта хажимда аэроб характердаги жисмоний юкламалар қўллаш имконини беради.

11-12 ёшдан кейин болаларнинг турли органлари ва организм тизими тез ривожланади. Бундай ёш даврида асаб тизми етарли равища ривожланиб бўлади. Бунда, юқори суръатлар, асаб тизимининг таъсирчанлигини кузатилиши, харакат қўникмаларини ва мушкул харакатлар техникасини тез ўзлаштиришга олиб келади.

Шу давирда бош миянинг функционал ривожланиши хисобига кўриш, вестибуляр ва бошқа анализатор апаратларини хам функциялари ривржланишнинг юқори нуқтасига етади. Болалар соғлигининг, турли органларнинг ва организм тизимининг функционал холатини кузатиб бориш, жисмоний ва машғулот юкламалари натижасида (тиббий аралашувларсиз) чуқурлашиши мумкин бўлган турли четлашувларни тез аниқлаш имконини беради.

Болаларни спортга яроқлилигини аниқлаш жараёни спорт тайёргарлиги босқичлари ва спорт турнинг хусусиятлари (мағулотларни бошлаш ёши, танланган спорт турида чуқурлашган машғулотларни бошлаш ёши, саралов меъёрлари ва бошқалар) билан яқиндан боғлиқ. Шунинг учун спортга яроқлилигини аниқлашнинг мезонлари ва усуллари, ҳамда меъёрий талаблари спорт тури гурухлари бўйича юқорида кўсатиб ўтганимиздек келтирилади. Биз тадқиқотимиз давомида спортга яроқлилигини аниқлашда психологияк қузатувлар ўрнини ортириб бордик куч, харакатчанлик, асаб жараёнларининг босқочлиги кўп жихатдан боланинг марказий асаб тизмининг табиий хусусиятлари хисобланади ва кўп йиллик спорт машғулоти жараёнида катта қийинчиликлар билан такомиллашишга эришиш мумкин экан.

Болаларни иродавий фазилатларини ўрганиш учун, уларда беллашувлар кўринишидаги назорат прикидкаларини ўtkазиш лозим. Таъkitlab ўтиш жоизки, спортчи болаларнинг шахсини фақат баъзи алоҳида сифатларигина эмас балки ҳар томонлама ривожлантиришга ва спортга бўлган қизиқишлигини янада оширишга ҳаракат қилдик. Шунинг учун ёш спортчи болаларни турли фаолиятлари асосида баҳолашга ҳаракат қилиш шу жумладан педагогик тестларни қўллаш мақсаддага муофиқдир.

Бунда ёш спортчи болаларнинг шахсий қўрсаткичлари келажақда юқори спорт натижалари босқичи талабларига жавоб берса олишини аниқлаш керак.

Мазкур босқичда, ёш спортчи болаларнинг юқори натижаларга тайёрлашга йўналтириш мумкин деган хуносага келдик. Мана шу босқичнинг давомийлилги 1,5 йилни ташкил этди ушбу босқичда педагогик кузатувлар, назорат синовлари, беллашувлар, ва психологик кузатувлар ўтказдик.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки болаларга мустақилликни, қаъияликни мақсадга интилиш, мусобақаларда бутун кучини сафарбар қила олиш, спорт курашида фаоллик, финишда кучини охригача сарфлай олиш, муваффақиятсиз натижага таъсирчанлик каби хислатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш еканлигини ёш спортчи болаларга такитлаб ўтдик.

**Иқтидорли ўсмир қизларни саралашда тавсия етилган жисмоний ривожланганигини баҳоловчи талаб
меёrlари ва кўрсаткичлари(В.Н.Никутушкин буйича)**

1.1-жадвал

| Кўрсаткичлар | Балл | Ёши | | | | | |
|------------------|------|----------------------------|----------------------------|----------------------------|--------------------|--------------------|--------------------|
| | | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 |
| Тана узунлиги.см | 5 | 152 ва ундан юқори | 159 ва ундан юқори | 165 ва ундан юқори | 173 ва ундан юқори | 178 ва ундан юқори | 182 ва ундан юқори |
| | 4 | 144-151 | 141-149 | 156-164 | 164-172 | юқори | ундан юқори |
| | 3 | 135-143 | 132-140 | 147-155 | 155-163 | 164-177 | 172-181 |
| | 2 | 127-134 | 131 ва ундан пас | 138-146 | 146-154 | 160-168 | 163-171 |
| | 1 | 126 ва ундан пас | | 137 ва ундан пас | 145 ва ундан пас | 151-159 | 154-162 |
| Тана вазни, кг | 5 | 48 ва ундан юқори 40-27 | 52 ва ундан юқори 44-51 | 57 ва ундан юқори 48-56 | 64 ва ундан юқори | 68 ва ундан юқори | 72 ва ундан юқори |
| | 4 | 32-39 | 35-43 | 39-47 | 55-63 | юқори | ундан юқори |
| | 3 | 24-31 | 26-34 | 36-38 | 46-54 | 59-67 | 64-71 |
| | 2 | 23 ва ундан пас | 25 ва ундан пас | 29 ва ундан пас | 37-45 | 50-58 | 56-63 |
| | 1 | | | | 36 ва ундан пас | 41-49 | 48-55 |

| | | | | | | 40 ва ундан пас | 47 ва ундан пас |
|--------------------------------|---|------------------------|------------------------|------------------------|------------------------|-----------------------------------|-----------------------------------|
| ҮТС, см ³ | 5 | 2801 ва ундан юқори | 3201 ва ундан юқори | 3601 ва ундан юқори | 4001 ва ундан юқори | 4501 ва ундан | 5101 ва ундан |
| | 4 | 2401-2800 | 2801-3200 | 3101-3600 | 3401-4000 | юқори | юқори |
| | 3 | 2001-2400 | 2401-2800 | 2601-3100 | 2801-3400 | 3901-4500 | 4501-5100 |
| | 2 | 1601-2000 | 2001-2400 | 2100-2600 | 2201-2800 | 3301-3900 | 3901-4500 |
| | 1 | 1600 ва ундан пас | 2000 ва ундан пас | 2100 ва ундан пас | 2200 ва ундан пас | 2701-3300 2700 ва ундан пас | 3301-3900 3300 ва ундан пас |
| | | | | | | | |
| Күлнинг кучи, кг | 5 | 44,6 ва ундан юқори | 44,6 ва ундан юқори | 44,4 ва ундан юқори | 44,6 ва ундан юқори | 44,8 ва ундан | 45,0 ва ундан |
| | 4 | 43,9-44,5 | 43,9-44,5 | 43,6-44,3 | 43,8-44,5 | юқори | юқори |
| | 3 | 43,2-43,8 | 43,2-43,8 | 42,8-43,5 | 43,0-43,4 | 44,3-44,7 | 44,4-44,9 |
| | 2 | 42,5-43,1 | 32,5-43,1 | 42,0-4,27 | 42,2-42,9 | 43,7-44,2 | 43,8-44,3 |
| | 1 | 42,4 ва ундан пас | 42,4 ва ундан пас | 41,9 ва ундан пас | 42,1 ва ундан пас | 43,1-43,6 43,0 ва ундан пас | 43,2-43,7 43,1 ва ундан пас |
| | | | | | | | |
| Кўл ва тананинг узунлиги, % | 5 | 44,6 ва ундан | 44,6 ва ундан | 44,4 ва ундан | 44,6 ва ундан | 44,8 ва | 45,0 ва |
| | 4 | юқори | юқори | юқори | юқори | ундан | ундан |
| | 3 | 43,9-44,5 | 43,9-44,5 | 43,6-44,3 | 43,8-44,5 | юқори | юқори |

| | | | | | | | |
|--|---|--------------------------------|--------------------------------|---------------------------------|-----------------------------------|--|--|
| | 2 | 43,2-43,8 | 43,2-43,8 | 42,8-43,5 | 44,3-43,0 | 44,3-44,7 | 44,4-44,9 |
| | 1 | 42,5-43,1 42,4 ва ундан пас | 32,5-43,1 42,4 ва ундан пас | 42,0-42,7 41,9 ва ундан паса | 42,2-42,9 42,1 ва ундан пас | 44,7-44,2 43,1-43,6 43,0 ва ундан пас | 43,8-44,3 43,2-43,7 43,1 ва ундан пас |
| Қадам узунлиги тананинг узунлигидан, % | 5 | 16,5 ва ундан юқори | 16,5 ва ундан юқори | 16,6 ва ундан юқори | 16,6 ваундан юқори | 16,5 ва ундан | 16,5 ва ундан |
| | 4 | 15,7-16,4 | 15,6-16,4 | 15,9-16,4 | 15,9-16,5 | юқори | юқори |
| | 3 | 14,9-15,6 | 14,7-15,5 | 15,4-15,8 | 15,4-15,8 | 15,8-16,4 | 15,7-16,4 |
| | 2 | 14,2-14,8 | 13,8-14,6 | 14,9-15,3 | 15,9-15,3 | 15,1-15,7 | 14,9-15,6 |
| | 1 | 14,1 ва ундан пас | 13,7 ва ундан пас | 14,8 ва ундан пас | 14,8 ва ундан пас | 14,6-15,0 14,5 ва ундан пас | 14,1-14,8 14,0 ва ундан пас |

**Ўсмир қизларни спортга саралашнинг иккинчи босқичида таъвсия этилаъдиган харакат
имкониятларини аниклашнинг тест ва меёрлари**

1.2-жадвал

| Тестлар | Бахолаш балларда | Ёши | | | | | |
|---|---------------------|------------------|------------------|------------------|----------------------|----------------------|----------------------|
| | | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 |
| Югуриш 30м | 5 | 5,8 ва ундан кам | 5,5 ва ундан кам | 5,2 ваундан кам | 5,1 ва ундан кам | 4,9 ва ундан кам | 4,8 ва ундан кам |
| | 4 | 5,9-6,0 | 5,6-5,7 | 5,3-5,4 | 5,2-5,3 | 5,0-5,1 | 4,4-5,0 |
| | 3 | 6,1-6,2 | 5,8-5,9 | 5,5-5,6 | 5,4-5,6 | 5,2-5,3 | 5,1-5,2 |
| | 2 | 6,3-6,4 | 6,0-6,1 | 5,7-5,8 | 5,6-5,7 | 5,4-5,5 | 5,3-5,4 |
| | 1 | 6,5 ва ундан кўп | 6,2 ва ундан кўп | 5,9 ва ундан кўп | 5,8 ва ундан кўп | 5,6 ва ундан кўп | 5,5 ва ундан кўп |
| Узлуксиз югуриш 5 дақиқада | 5 | - | - | - | 1356 ва ундан кўп | 1456 ва ундан кўп | 1551 ва ундан кўп |
| | 4 | - | - | - | 1256-1355 | 1341-1451 | 1446-1550 |
| | 3 | - | - | - | 1156-1255 | 1231-1340 | 1341-1445 |
| | 2 | - | - | - | 1056-1155 | 1121-1230 | 1236-1340 |
| | 1 | - | - | - | 1050 ва ундан кам | 1120 ва ундан кам | 1235 ва ундан кам |
| Турган жойдан узунликка сакраш см | 5 | 165 ва ундан | 173 ва ундан кўп | 193 ва ундан кўп | 206 ва ундан кўп | 223 ва ундан кўп | 250 ва ундан кўп |
| | 4 | кўп | 164-174 | 183-192 | 196-205 | 211-222 | 237-249 |
| | 3 | 154-164 | 153-163 | 173-182 | 186-195 | 199-210 | 222-236 |

| | | | | | | | |
|--|-----------------------|---|---|---|---|---|---|
| | 2 1 | 143-153 132-142 131 ва ундан кам | 142-152 141 ва ундан кам | 163-172 164 ва ундан кам | 176-185 175 ва ундан кам | 187-198 186 ва ундан кам | 205-221 204 ва ундан кам |
| Турган жойдан баландликка сакраш, см | 5 4 3 2 1 | 36 ва ундан күп 31-35 26-30 21-23 20 ва ундан кам | 38 ва ундан күп 33-37 28-32 23-27 22 ва ундан кам | 42 ва ундан күп 37-41 32-36 27-31 26 ва ундан кам | 46 ва ундан күп 41-45 36-40 31-35 30 ва ундан кам | 50 ва ундан күп 45-49 40-44 35-39 34 ва ундан кам | 54 ва ундан күп 49-53 44-48 39-43 38 ва ундан кам |

**Болалар ва ўсмирларни спортга саралашнинг иккинчи босқичида таъвсия этиладиган харакат
имкониятларни аниқлашнинг тест ва меъёрлари**

1.3-жадвал

| Тестлар | Бахолаш балларда | Ёши | | | | | |
|-----------------------------|---------------------|-----------------------------|-----------------------------|---------------------|----------------------|----------------------|----------------------|
| | | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 |
| Югуриш 30м,с | 5 | 5,6 ва ундан кам 5,7-5,8 | 5,3 ва ундан кам 5,4-5,5 | 5,1 ва ундан кам | 4,9 ва ундан кам | 4,7 ва ундан кам | 4,6 ва ундан кам |
| | 4 | 5,9-6,0 | 5,6-5,7 | 5,2-5,3 | 5,0-5,1 | 4,8-4,9 | 4,7-4,3 |
| | 3 | 6,1-6,2 | 5,8-5,9 | 5,4-5,5 | 5,2-5,3 | 5,0-5,1 | 4,9-5,0 |
| | 2 | 6,3 ва ундан кўп | 6,0 ва ундан кўп | 5,6-5,7 | 5,4-5,5 | 5,2-5,3 | 5,1-5,2 |
| | 1 | | | 5,8 ва ундан кўп | 5,6 ва ундан кўп | 5,4 ва ундан кўп | 5,3 ва ундан кўп |
| Узлуксиз югуриш 5 дақ | 5 | | | | 1376 ва ундан кўп | 1446 ва ундан кўп | 1576 ва ундан кўп |
| | 4 | | | | 1281-1375 | 1341-1445 | 1476-1575 |
| | 3 | - | - | - | 1186-1280 | 1236-1340 | 1376-1475 |
| | 2 | | | | 1191-1185 | 1131-1235 | 1276-1375 |
| | 1 | | | | 1190 ва ундан кам | 1130 ва ундан кам | 1275 ва ундан кам |

| | | | | | | | |
|---|---|------------------|------------------|---------------------|---------------------|---------------------|---------------------|
| Турган жойдан узунлика сакраш | 5 | 170 ва ундан кўп | 182 ва ундан кўп | 198 ва ундан кўп | 213 ва ундан кўп | 238 ва ундан кўп | 251 ва ундан кўп |
| | 4 | 155-171 | 165-181 | 183-197 | 198-212 | 219-237 | 235-250 |
| | 3 | 140-154 | 150-164 | 168-182 | 183-197 | 200-218 | 219-234 |
| | 2 | 125-139 | 135-19 | 153-167 | 168-182 | 181-199 | 203-218 |
| | 1 | 124 ва ундан кам | 134 ва ундан кам | 152 ва ундан кам | 167 ва ундан кам | 180 ва ундан кам | 202 ва ундан кам |
| Турган жойда баландликка сакраш | 5 | 38 ва ундан кўп | 40 ва ундан кўп | 45 ва ундан кўп | 50 ва ундан кўп | 50 ваундан кўп | 60 ва ундан кўп |
| | 4 | 33-37 | 35-39 | 40-44 | 45-49 | 45-49 | 55-59 |
| | 3 | 28-32 | 30-34 | 35-39 | 40-44 | 40-44 | 50-54 |
| | 2 | 23-27 | 25-29 | 30-34 | 35-39 | 39 ва ундан кам | 45-49 |
| | 1 | 22 ва ундан кам | 24 ва ундан кам | 29 ва ундан кам | 34 ва ундан кам | | 44 ва ундан кам |
| 2кг ли тўлдирма тўпни бош ортидан улоқтириш | 5 | 270 ва ундан кўп | 310 ва ундан кўп | 355 ва ундан кўп | 410 ва ундан кўп | 480 ва ундан кўп | 575 ваундан кўп |
| | 4 | 230-265 | 275-305 | 320-350 | 375-405 | 445-375 | 540-570 |
| | 3 | 195-225 | 240-270 | 285-315 | 340-370 | 410-440 | 505-535 |
| | 2 | 160-190 | 205-235 | 250-280 | 305-335 | 375-405 | 470-500 |
| | 1 | 155 ва ундан кам | 200 ва ундан кам | 245 ва ундан кам | 300 ва ундан кам | 370 ва ундан кам | 365 ва ундан кам |

| | | | | | | | |
|--------------------|---|----------------|----------------|--------------------|--------------------|--------------------|--------------------|
| Баланд турникда | 5 | 8 ва ундан кўп | 9 ва ундан кўп | 10 ва ундан кўп | 13 ва ундан кўп | 17 ва ундан кўп | 17 ва ундан кўп |
| тортилиш | 4 | 6-7 | 7-8 | 8-9 | 10-12 | 13-16 | 13-16 |
| Марта | 3 | 4-5 | 5-6 | 6-7 | 7-9 | 9-12 | 9-12 |
| | 2 | 2-3 | 3-4 | 4-5 | 4-6 | 5-8 | 5-8 |
| | 1 | 1 ва ундан кам | 2 ва ундан кам | 3 ваундан кам | 3 ва ундан кам | 4 ва ундан кам | 4 ва унан кам |

1.2 Мактаб енгил атлетика секциялари тарбияланувчи ўқувчиларни жисмоний ривожланишда антропометрик қўрсаткичларни ахамияти

Етакчи олимлардан К.Т.Шакиржанованинг фикрича енгил атлетикачилар машғулот жараёнининг ўзига хос хусусияти унинг хар хиллиги ҳисобланади. Енгил атлетика, бошқа спорт турларидан фарқли равишда, жуда кўп ҳар хил турлардан ташкил топган. Бу турларни инсонинг табиий харакат фаолияти асосида турларга, яъни юриш, югириш, сакрашлар ва буюмларни отиш турларига бирлаштириш қабул қилинган. Бироқ у ёки бу енгил атлетика турлари гурухида етакчи жисмоний сифатларни кўпроқ ривожлантиришга қаратилган машғулот жараёнининг ўзига хос хусусиятига кўра бошқага бўлиш хам мумкинлигини айтиб ўтган.

- 1)** тезлик турлари, улар маълум бир катталиқдаги кучланишларда харакатларнинг юқори тезлиги билан тавсифланади (400 м гача спринтерлаик ва тўсиқлардан оша югириш).
- 2)** тезкор-куч турлари, улар харакатининг асосий фазасида қисқа муддатли ва шиддатли кучланишлар билан тавсифланади (сакрашлар, улоқтиришлар).
- 3)** чидамлилик устувор намаёп бўлиши билан тавсифланадигантурлар (спорчя юриш, ўрта ва узоқ масофаларга юришлардир).
- 4)** сифатларнинг комплекс ривожланиши билан тавсифланадиган турлар бу кўпкурашдир).

Бу гурухлардаги машғулот жараёни умумий қонуниятлари асосида ривожланиши билан бирга кейинчалик ҳар бир гурух ичida тайёргарлик вазифалври, босқичлари, воситалари ва услублари бўйича бўлиниш хусусиятига хам эга экан. Бунинг хаммаси енгил атлетика машғулот жараёниниг турли-туманлигидан дарак беради.

У бир томондан, спорт машғулотининг умумий қонуниятлари билан бирлашган иккинчи томондан, чукур ўзига хос ривожланиш хусусиятига эга. Енгил атлетика шундай спорт турлари гурухига кирадики, уларда эришиладиган натижалар доимий харакат таркиби ва тузилишига эга бўлган битта танланган техника шакли орқали аниқланади. Бу техниканинг барқарорлиги мусобақа қоидалари билан қатъий белгилаб берилган ташқи шароитларнинг нисбатан доимийлигига боғлиқ. Ташқи шароитлар фақат метеорологик омиллар (ёмғир, шамол, қуёш) ва қисман қоплама таркиби таъсирида бирмунча ўзгариши мумкин.

Харакат фаолияти таркиби хусусиятларига кўра енгил атлетика турларини икки гурухга ажратиш мумкин.

1-гурух шундай турларки, уларнинг техникаси харакат вазифаларига мувофиқ ҳолда маълум бир координацияда максимал шиддатда мушаклар кучланишини ривожлантира олишга қаратилган. Бунда харакатларнинг ўзига хос техникаси намоён бўлади. У ташқи ва ички кучлардан оқилона фойдаланишини таъминлайди (спринтерлик, тўсиқлар оша югириш, сакирашлар, улоқтиришлар).

2-гурух шундай турларки, улар оптимал шиддат шароитларида копроқ чидамлиликни намоён қилиш билан тавсифланади. Бу турларнинг техникаси жисмоний кучнинг сарфланишини тежашга ва оптимал ишчи кучланишлар самарадорлигини ошришга қаратилган (спорчча юриш, ўрта, узок, ва ўта узок масофаларга югириш).

Енгил атлетика турлари қўплиги билан бир қаторда спорт натижасининг спортчи техник ва жисмоний тайёргарлигига боғлиқлиги даражасида мухум фарқлар мавжуд. Техника формаси мунтазам бўлган холларда спорт натижасига эришиш техника ва функционал тайёргарлик енгил атлетикада етакчи ўрин эгаллайди.

Енгил атлетикалда машғулот жараёни икки циклли тузилишга эга. Баъзи спортчилар ўз машғулотларини бир йилда бир цикл сифатида ташкил киладилар (юриш, узок масофага югуриш, улоқтиришнинг баъзи турлари), лекин бундай машғулот шакиллари одатдаги икки циклли машғулот тузилишидан жарохатланиш, касал бўлиш, ўқиш туфайли чекиниш хисобланади. Хозирги пайтда деярли хамма енги атлетика турларида спортчилар қишки мусобақаларда қатнашиб келадилар. Асосан йиллик тайёргарлик иккита циклга бўлинади булар кузги-қишки ва баҳорги-ёзги.

Енгил атлетика мусобақалари асосан ёзда ўтказилиши сабабли, кузги-қишки цикл узок муддатли тайёргарлик даври ва қисқа мусобақа даври билан, баҳорги-ёзги цикл эса аксинча, узок муддатли ва анча шиддатли мусобақа даври ажралиб туради. Бундан юқори малакавий енгил атлетикачилар мустасино, чунки қишки чемпионатлар ҳам ёпик иншооатларда ўтказилади.

Шуни назарда тутиш керакки, чегаравий юкламалар ҳаракатлар техникасини назорат қилишни қийинлаштиради, жароҳат олиш ва кўп шуғулланиб юбориш хавфини кучайтиради айниқса, болаларда ва бошловчиларда.

Уринишлар сони 2-3, уринишдаги қайтаришлар орасида дам олиш 3-4 дақиқа, уринишлар орасида 2 дан 5 дақиқагача. Чегарага яқин қаршиликлар билан машқларии бажаришда (максималдан 90-95% оғирлик билан) бир уринишдаги ҳаракатлар қайтарилиши сони 5-6, уринишлар сони 2-5. машқларни қайтариш орасидаги дам олиш вақти 4-6 дақиқа ва уринишлар орасида 2-5 дақиқа. Ҳаракатлар суръати - эркин, тезлик - энг камдан максималгача. Амалиётда бу усулнинг турли йўллари бор, уларнинг асосида оғирликларни оширишнинг турли усуллари ётади. Шунинг учун у олий малакали спортчиларнинг машғулотларида асосий, лекин ягона бўлмаган усулдир. У хафтасига 2-3 марта қўлланилади. Катта вазнлар, баъзи ҳолларда

7-14 кунда бир марта ишлатилади. 100% дан ортиқ юклар билан машқлар шериклар ёрдамида ёки махсус мосламаларни қўллаш йўли билан ўтказилади. 16 ёшгача бўлган болаларга бундай усулни қўллаш тавсия этилмайди.

1.3.Мактаб енгил атлетика секцияларда восита, усуларини қўлланиши.

Мактаб енгил атлетика секцияларида енгил атлетикачиларни тайёрлашда жисмоний ва идеомотор машқлар аутоген машғулот, ташқи мухитнинг маълум бир шароитлари, тикланиш воситалари ва гигеник кун тартибига роя этган холда машғулотларда иштирок этишлари кузатилди.

Енгил атлетикачилар жисмоний машқларни мунтазам бажариш орқали ўзларининг жисмоний ва иродавий фазилатларини ривожлантирган ҳолда техник, ва тактик жихатдан такомиллашиб борадилар. (К.Т.Шакиржонова) Енгил атлетика машқлар тайёргарлик воситаси хисобланади ва учта асосий гурухга бўлинади.

А-гурух. Спортчи ихтисослашадиган енгил атлетика турига хос машқлар. У мазкур турнинг хамма элементлари ва вариантларини ўз ичига олади.

Б-гурух. Умумий ривожлантирувчи машқлар. Улар иккита кичик гурухларга бўлинади.

А) бошқа спорт турларидаги машқлар (гимнастика, енгил атлетика, оғир атлетика, спорт ўйинлари ва бошқалар). Улар умумий жисмоний ривожланиш учун, лекин ўзининг енгил атлетика тури хусусиятига мос равишда қўлланилади: умумий чидамлиликни ривожлантириш ва соғлиқни мустахкамлаш учун – қишин-ёзин кросс, юриш ва югуриш; мушакларни

ривожлантириш ва мустахкамлаш учун – оғирликлар билан машқлар; чаққонликни ривожлантириш ва харкат координациясини яхшилаш учун – баскетбол ўйини ва гимнастика снарядларида машқлар.

Б) турли хил буюмлар билан: таёқлар, арқон, булава, гантеллар билан ва уларсиз умумривожлантирувчи тайёргарлик машқлари; снарядлар ва тренажорларда машқлар, эгилишлар, бурилишлар, силтанишлар, айланиш, оёқ-қўларни букиб-ёзиш, сакрашлар ва х.к.

Умумривожлантирувчи тайёргарлик енгил атлетикачиларнинг ҳар тамонлама жисмоний ривожланиши учун мўлжалланган: улар гавда тузилишидаги асосий камчиликларини тузатиши учун хам қўлланилади.

Махсус машқлар одатда енгил атлетика туридан олинган элемент, бир нечта харакатларнинг қисми ёки “бойлами”дан иборат. Махсус машқлар харакатларининг кинематик ва динамик тавсифларига, шунингдек, психологик йўналишига кўра танланган енгил атлетика турига ёки унинг қисмига мос бўлиши жуда зарур. Махсус машқлар снарядлар билан (енгил атлетика, тўлдирма тўплар, қумли қоплар, гантеллар, гирялар, штанга, блокларига осилган юклар ва бошқа), синарядларсиз (гимнастика тўсиқлари, арқон ва бошқалар) хамда синаядларсиз бажаришлари хам мукин экан.

Юқори малакали спортчилар билан махсус машқларни ўта юқори кучланишлар, ўта максимал тезкорлик, катта амплитудани намоён қилиш, кучли локал таъсирларини ҳосил қилишга имкон берувчи тренажёрлар ҳамда махсус мосламаларда хам бажарилиши мумкин. Югуриш, сакраш ва улоқтириш техникасини самарали такомиллаштиришга ёрдам берувчи курилмалардан фойдаланиш таъсия этилади. Танланган енгил атлетика тури ва махсус машқлар қийинлаштирилган шароитларда: тоғли жойларда, пастлик тепалик жойларда, қисқа нафас олиш шароитида, юмшоқ йўлкада, қийин йўл юзида, қарши шамол эсаётганда, ёмғирда ва оғир шароитларида

хам бажарилади. Бу енгил атлетикачиларнинг психологик тайёргарлиги учун зарур бўлган омиллардан бири хисобланилади.

Унинг ёрдамида уларда иродавий фазилатларни тарбиялаш ва жисмоний сифатларнинг ривожланиш даржасини ошириш мумкин. Енгиллаштирилган шароитлarda камроқ шамол, тезлиги бўлган жойларда тортиш ва етакчи мосламалар, камайтирилган оғирликдаги снарядлар ва бошқалар – техникани ўрганишни енгиллаштиради ва янада юқори даржада тезкор-куч сифатларини, “тезлик тўсиқларини” енгиб ўтиш қобилятларини шакиллантириш имконини беради. Ташқи шароитларга қараб машқларнинг бажарилиши, уларнинг мақсадга йўналтирилганлиги ва спортчига таъсири ўзгариши мумкин.

Болалар ва ўсмирлар билан енгил атлетика машғулотларида Аутоген машғулотларини олиб бориш – спортчининг ўз-ўзини ишонириш ёки мурббий ёки психологнинг ишонтириши орқали психологик ҳолатга таъсир кўрсатишидир (дам олиш, қўзғалувчанликни пасайтириш, старт олдидан шайланиш, рекорд чегарасини енгиб ўтиш учун).

Хозирги пайтда машғулотлар жойига бўлган талаблар анча ошли. Синтетик йўлаклар, сакрашлар ва улоқтиришлар учун жойлар, етарлича енгил атлетика манежлари хамда стадионлар учун мажбурий бўлиб қолмоқда. Шунингдек, машқларнинг ҳажми ва шиддатини оширишга, спринтелар хамда узунликка сакровчилар учун машғулот ўтказиш шароитларини яратишга имкон берувчи қия йўлаклар. Шу билан бирга уч хатлаб сакраш машғулотларини ўтказиш учун 5-10 грудус бурчак остидаги қия йўлакларга эга бўлиши лозим.

Жисмоний тайёргарлик бўйича машғулотлар олиб бориш учун яхши жихозларга: гантеллар, тўлдирма тўплар, аргамчилар, қум тўлдирилган қоплар, оғирлаштирилган белбоғлар, жилет ва манжетлар, гиря, штанга,

гимнастика снарядлари, тўплар, эспандерлар, ёнга қўйиладиган аппаратлар, универсал ва махсус тренажёрларига эга бўлиш мухимдир. Стадионда осилиб ва таяниб, оғирликлар ҳамда турли хил буюмлар билан машқлар бажариш мумкин бўлган снарядлар ёрдамида жисмоний тайёргарлик бўйича машғулотлар ўtkазиш учун шаҳарча бўлиши зарур.

Ташқи шароитларнинг турлилиги ҳам машғулотга таъсир кўrsатади ҳар хил стадионлар, боғлар, шудгор жойларда олиб бориш машғулотларни эмоционаллигини оширади, иш хажмининг ошишига ёрдам беради, ўта машқланишнинг олдини олади. Машғулот воситалари ва у ўтказиладиган шароитлар машғулот услублари билан чамбарчас боғлик. Машғулот услублари машқ бажарилишининг ўзига хос хусусиятларини белгилаб беради.

Спорт машғулотларининг асосий услуби – бу машқ услуби, яъни харакат ёки харакатланишларни тақрорий бажариш услубидир. Машғулот вазифалари ва енгил атлетикачиларнинг имкониятларига қараб услугуб ўзгариб туради, шакилларда қўлланилади (тақрорий, ўзгарувчан, оралиқли, айланма, “охиригача”, назорат, мусобақа ва бошқа усуслардан фойдаланилади

Машқларни танлашда ижобий ҳиссий муҳит яратиш имкониятидан кенгрок фойдаланиш зарур. Бу факат юксак ишчанлик қобилиятини юзага келтирибгина қолмай, фаол тикланишга ҳам ёрдам беради. Машқ бажариш усуслари орасидан машқланганлик даражасини оширадиганларигина эмас, яхшироқ тикланишни таъминлайдиганларига кенг ўрин бериш керак. Тикланиш жараёни қўп жихатдан организмнинг ҳар хил ташқи таъсирларига, жумладан, машғулот юкламаларига чидамкорлигини оширади, уларни осонроқ енгиш ва тезроқ тикланишга ёрдам беради. Машғулот жараёнида енгил атлетикачиларда жисмоний тайёргарлигини билишда қўйдаги восита усусларни қўлаш лозим.

Бунда қүйдаги усуллар қўлланилди.

Бир меъёри: Масофани бир меъёрдаги суръат билан, давомийликни аста-секин оширган ҳолда босиб ўтишда. Худди шунинг ўзи, фақат нотекис жойларда (кросс).

Масофани нисбатан бир меъёри суръат босиб ўтиш.

Масофани бир меъёри суръат билан югуриб ўтиш.

Машқларни бир меъёри суръатда узлуксиз бажариш.

“Фартлек” (ўйин усули): Нотекис жойда узлуксиз равища турли машқларни ва уларнинг шиддатини навбатланган ҳолда ҳаракатланиш.

Дам олиш оралиғи: Юқори ва кичик шиддатди югуришни узлуксиз навбатлаш. Юқори ва кичик шиддатли югуришни навбатлаш.

Ўзгарувчан усул: Ўрта (50-60 м) ва максимал (50-60 м) шиддатли тезланишли югуришни қисқа сустлашишлар билан (50-60м) навбатлаш.

Ўрта ва максимал шиддатли тезланишли югуришни қисқа сустланиши билан навбатлаш.

Суръатли: Берилган тезлик билан қўйдаги масофага ҳаракатланиши:

А) асосидан кичик

Б) унга тенг;

В) асосийдан катта.

Такрорий: Машғулот ишларини такроран бажариш:

А) осонлаштирилаган шароитларда;

Б) мураккаблаштирилган шароитларда;

Мусобақа масофасидан тенг ва ундан ортиқ масофаларга югуриш.

“Имкон қадар” Харакатлар тұғрилигини издан чиқарувчи чарчоқ пайдо бўлгунча машғулот ишларини узлуксиз бажариш.

Назорат: Қуйдаги масофаларни босиб ўтиш:

- А) нотўлқин;
- Б) асосийдан бир мунча узунроқ.

Мусобақага хос: Енгил атлетиканинг танланган турини имкон қадар юқори натижа билан бажариш. Махсус машқларни бажариш. УЖТ машқларни бажариш.

Оқимли: Машқларни шуғулланувчилар групхи билан навбатма-навбат бажариш.

Бир вақтли: Бир машқни шуғулланувчилар групхи билан бир вақитда бажариш.

Айланма: Машқлар мажмуасини уларнинг хар бирини юриш ёки югуриш (бир айлана) билан навбатлаб бажариш.

Ўйинли: Машқларни ўйин кўринишида бажариш.

Енгил атлетикачилар тайёргарлигининг замонавий тизими спортчини мусобақаларга тайёрлашнинг ташкилий-педагогик жараёнини, уларнинг энг юқори спорт кўрсаткичларига эришишни таъминловчи мақсадлар, вазифалар, восита ва усуллар, ташкилий шакиллар, моддий-техник шароитлар ва билимларни ўз ичига олган мураккаб, кўп омил хисобланади.

Спорт тайёргарлиги ёш спортчилар учун муҳим рафбат саналиб, тиришқоқлик билан қаъий шуғулланишга, бутун куч-кувватини мақсадга эришиш учун сарфлашга интилишини кучайтиради. Масалан: спортчининг

техникаси жисмоний сифатларнинг ривожланиши даражасига, яъни куч, тезкорлик, эгилувчанликга бевосита боғлиқ. Ёш енгил атлетикачилар тайёргарлигининг энг мухим қисимларидан бири ёш спортчининг асосий харакат сифатларини ривожлантириш ва тарбиялашга қаратилган жисмоний тайёргарлик саналади.

Болаларнинг жисмоний тайёргарлигини спорт ихтисослигига енгил атлетиканинг танланган турига мувофиқ функционал имкониятларини оширадиган машқларга катта ахамиятга эга. Масалан: сакровчи ва улоқтирувчилар кучни имкон қадар тез узоқ масофаларга югурувчилар эса секинроқ, лекин кўпроқ муддат ривожлантирадиган машқларни бажаришлари зарур.

Енгил атлетикада энг яхши натижага эришиш учун мукаммал техникани-машқ бажаришнинг энг тўғри ва унумли усулини эгаллаш лозим. Мазкур босқичда ёш спортчи болаларнинг юқори натижаларига тайёрлашга йўналтириш мумкин деган хulosага олиб келди.

Мана шу босқичнинг давомийлиги 1,5 йилни ташкил етади ушбу босқичда педагогик кузатувлар, назорат синовлари, беллашувлар, ва психологик кузатувлар ўтказилди. Ёш спортчиларнинг умумий жисмоний тайёргарлиги (УЖТ) юксак натижаларга эришиш учун зарур пойдевор хисобланади.

У.Ж.Т қуйидаги вазифаларни хал этишга қаратилган:

- 1) ёш спортчилар организмининг функционал имкониятларини ошириш;
- 2) жисмоний сифатлар - куч, тезкорлик, чидамкорлик, эпчиллик ва эгилувчанликни тарбиялаш;
- 3) ёш спортчилар организмининг жисмоний ривожланишидаги нуқсонларни бартараф этиш.

Ёш спортчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлиги (МЖТ) танланган спорт тури буйича мусобақа фаолиятининг хусусиятлари қўядиган талабларга катыйиришга қартилган. Ёш спортчиларни махсус жисмоний тайёрлаш қўйидаги вазифаларни хал этади:

- 1) танланган спорт тури учун хос бўлган жисмоний сифатларни такомиллаштириш;
- 2) танланган спорт тури бўйича муваффақиятли техник-тактик такомиллашув учун зарур бўлган харакат кўникмаларини чукурлаштириш;
- 3) мусобақада иштирок этадиган алохидат мушак гурухларини танлаб ривожлантириш.

Ёш спортчиларнинг МЖТ харакат кўникмалари тизимидағи энг мухим харакат сифатларини ривожлантиришга йуналтирилади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки болаларга мустакилликни, қаътийликни, мақсадга интилиш, мусобақаларда бутун кучини охиригача сарфлай олиш муваффақиятсиз натижага таъсиранлик каби хислатларни ривожлантиришга алохидат эътибор бериш эканлигини ёш спортчи болаларга тақидлаб ўтиш лозим.

I боб бўйича хulosалар:

Мавзу бўйича ўтказилган педагогик тадқиқот натижалари куйидаги хulosаларни қайд этиш имконини берди.

- Ўрта махсус умумтаълим мактабининг ёш енгил атлетикачиларни машғулотларини кузатувга олганимизда машғулот восита ва усуллари эскирганлиги аниқланди.

- Югуриш билан шуғулланиш натижасида юракнинг вақт бирлигидаги қисқариш сонининг камайиши юрак мускулининг ривожланиши, унинг ҳажмини ортиши, қоннинг систолик ҳажмини кўпайиши билан боғлиқ бўлар экан.

- Йиллик режалаштириш режа график, жадвал кўринишида бўлиши мумкин. Амалиётда қўлланиладиган машғулотлар кўп қиррали бўлади.

- Кўп йиллик тайёргарлик циклларида қўлланиладиган барча турдаги юкламаларни ўзлаштириш, жисмоний, рухий ва ёшларига мос юкламалар имкониятларни шакллантириш ва машғулотлар самарадорлиги ҳамда спорт натижаларининг ўсиб бориши тўғридан–тўғри функционал тайёргарлик даражасига боғлиқ.

- Мактабда енгил атлетика машғулотларини олиб борища натижаларга эришиш ёш спортчиларнинг ҳар томонлама тайёргарлик даражаси билан белгиланади. Бироқ юқори даражадаги тайёргарликнинг ҳар томонлама ривожланган, мукаммал техник ва тактик тайёргарлигидан ташқари, енгил атлетика машғулотлари учун зарур бўлган махсус жисмоний сифатларни ўстиришга эътибор бериши лозим. Бу эса ёш спортчиларнинг бутун машғулот давомида тезликни сақлаб югуришни талаб этади. Махсус жисмоний сифатларни, бир томондан, бош мия пўстлоғидаги асаб жараёнларининг кучи ва барқарорлигига иккинчи томондан, мушаклардаги

энергия алмашинув жараёнларининг такомиллашуви билан узвий боғлиқ бўлиши аниқланди.

- Республикаизда фаолият кўрсатаётган мактаб енгил атлетика секцияларида янги ўқув услубий адабиётларни етишмаслиги тадқиқот жараёнида аниқланди.

2.БОБ. Тадқиқот вазифалари, усулларини ташкил этиш ва ўтказиш

2.1.Тадқиқот вазифалари

Олдимизга қўйилган мақсадни амалга оширишда қуйдаги вазифаларни ҳал этдик.

1. Мавзуга оид илмий услубий адабиётларни тахлил қилиш ва уларни жисмоний риожланиқлаш.
2. Мактаб енгил атлетика секцияларида машғулотларни ташки қилиш ва жисмоний сифатларни ривожлантирувчи турли восита ва усулларни қўллаш.
3. Машғулот восита усулларини қўллашда оптимал варянтни ишлаб чиқиши хамда амалиётда асослашдан иборат.

2.2 Тадқиқот усуллари.

Олдимизга қўйилган вазифаларни ҳал этишда қуйидаги тадқиқот услугларидан фойдаланилди.

- Илмий услубий адабиётларни ўрганиш, тахлил этиш ва педагогик кузатувларни умумлаштириш;
- Педагогик тестлар;
- Педагогик тажрибалар;
- Математик статистик усуллардан фойдаланилади.

2.3 Педагогик кузатув.

Педагогик кузатув 2015-2016 ўқув йилнинг феврал ойида Тошкент шахар Шайхонтохур туманидаги 84-сонли умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия бўлнимининг енгил атлетика секцияларида ўқувчилар билан олиб борилган машғулотларида кузатувга олинди. Ушбу енгил атлетика секцияларида қўлланилган восита ва усуларни ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлик ва ривожланиши, машғулот юкламасини тўғри тақсимлангани, бўйича ўрганилиб тахлил қилинди.

2.4 Педагогик тадқиқотни ташкил этиш.

Педагогик тадқиқот 3 босқичда ташкил этилди. Тадқиқотнинг 1-босқичи 2014-2015 ўқув йилида Мавзунинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари йўналтирилаётган усулининг янгилиги илмий фарази, ва илмий ахамияти бўйича илмий асосланди, хамда тадқиқотнинг йўналиши белгиланиб мавзу бўйича адабиётлар тахлил э тилди.

Тадқиқотнинг 2-босичида Дарс жараёнинг педагогик кузатув, тадқиқотни ташкил этиш йўллари, обекти ва предметлари аниқланди.

Тадқиқотнинг 3-босқичида Педагогик тажриба амалга оширилди.

2.5 Педагогик тажриба.

Тадқиқотнинг ушбу босқичи Тошкент шахри Шайхонтохур туманидаги 84-сонли умумий ўрта таълим мактаби 7^а- 7^в синф ўқувчилари билан ташкил қилинди. Педагогик тажрибада ўқувчиларни жисмоний ривожланганлииги ва тайёргарлиги бўйича олиб борилди. Бунда мактаб енгил атлетика секцияси тарбияланувчилари педагогик тадқиқотга жалб этлиб улар икки гурухга

бўлинди. Улар тадқиқот гурухига ва назорат гурухларига ажратилди. Педагогик тажрибада синалувчилар билан тадқиқотлар жисмоний ривожланганлигини Бўйи, Вазни, Кўкрак қафас кенглиги, қўл кучи бўйича аникланди.

Жисмоний тайёргарлигини қўйдаги тестлар орқали аникланди:

- 100 м югуриш
- 400 м югуриш
- 3000 м югуриш
- Жойдан узунлика сакраш
- Жойдан узунлика уч хатлаб сакраш
- 1кг тўлдирма тўпни олдинга улоқтириш тестлардан фойдаланилди.

Педагогик тажрибада тадқиқот гурухи биз томонимиздан ишлаб чиқилган воситалардан фойдаланган холда машғулотларда иштирок этишган бўлсалар Назорат гурухи синалувчилари Давлат таълим стандартидаги дастур асосида машғулотларда иштирок этишди.

2.6 Математик статистик усуллар.

Олинган тадқиқот натижаларини экзел усулида хисоблаб амаларни бажардик бунда ўртача кўрсаткич олинди ва тахлил қилиниб таққосланди.

З БОБ. Мактаб енгил атлетика секциялариға ўқувчи ёшларни саралаб олишда антропометрик хусусиятлари, улар билан машғулотларни ташкил этиш усуллари, жисмоний ривожлантиришва машғулот самарадоригини ошириш йўллари...

3.1 Мактаб енгил атлетика секцияларида ўқувчи ёшларни саралаша ахамияти.

Енгил атлетика тўгарагининг асосий вазифаси ўқувчиларни соғломлаштириш, маънан баркамол етук шахсни тарбиялашга картилган бўлиши керак. Мактаб енгил атлетика тўгарагида юриш, югуриш, улоқтириш ва сакраш турларига, қизиқишлиари ва иқтидорини инобатга олган холда ўқувчиларни жалб қилидик. Умумий жисмоний тайёргарлик ва махсус жисмоний тайёргарлик бўйича машғулотлар жараёнида, болаларга жисмоний тарбия дарсларида таниш бўлган воситалардан, бошқа спорт туридаги (футбол, баскетбол, валейбол) воситаларидан хамда харакатли ўйинлар ва турли эстафетали ўйнлардан фойдаландик.

Тажриба амлиёти 7- синф ўқувчиларида ўтказилди. Шу жумладан ёш спортчи ўқувчиларни склет тузилиши тўғрисида қисқача малумотга тўхталиб ўтсак. Ўз навбатида ўқувчи енгил атлетикачиларнинг организмининг ички ва ташқи кўрсаткичлари жисмоний машқлар билан шуғиланишда сужап аппарати, мускул ва бўғинларнинг ривожланиши мухум ахамиятга эга. Ички органларнинг юрак ва кон- томир тизмининг тузилиши хам ўзига хос ахамиятга эга.

Бу ўринда нафас олиш хам енгил атлетика билан шуғуланувчи ўқувчи спортчилар учун тартиб ва қоидалари мавжуд. Енгил атлетика билан шуғуланувчи ўқувчи спортчиларнинг саломатлигини мустахкамлашда мухум ўрин эгалиди. Хар томонлама ўқувчиларни жисмоний ривожланишида аллбата энг аввало жисмоний сифатларини ривожлантириш орқали

эришилади. Ўқувчиларни жисмоний ривожлантиришда машғулотларни ўқувчиларнинг ёшига жисмоний тайёргарлигига қараб юкламаларни режалашибтирилади.

Ўқувчиларни асосий жисмоний тайёргарлигини оширишда жисмоний сифатларни ривожлантириш энг аввало ўқувчи спортчининг хар томонлама маҳсус жисмоний ривожланиш жараёни хисобланди.

Енгил атлетикада машқлар максимал, субмаксимал, катта ва мўтадили қувват билан бажаришни талаб қиласиган даврий йўналишлар хамда даврий бўлмаган тезлик-куч, мувофиқлашувчи тезлик-куч йўналишларига болинади. Гавда тузилиши, соматик ривожланиш хусусиятлари бу машқларни бажаришга катта таъсир кўрсатади. Максимал қувватда иш (тезлик) бажарувчи спринтерларнинг гавда тузилиши хусусиятларини ўргана туриб уларнинг оёқлари калта, ўрта узунликдаги гавда, ўртача оғирлик, кенг кўкрак қафаси, катта ўпкалар, яхши ривожланган мушакларга эга эканликларига эътибор берилган. Қисқа масофага югурувчи бақувват кенг елкали спортчи оғир атлетикачининг “кичик” нусхасини эслатади.

Баландликка сакровчиларни ўргангандан сўнг оёқ пайлари яхши ривожланган спортчиларга нисбатан тана узунлигига нисбатан оёқлари айниқса оёқ кафти узун бўлганлардан яхши сакровчи чиқади деган холосага келинган. Яъни оёқ пайлари узунроқ бўлган “елка”ларга таъсир кўрсатади ва узунлиги бўйича тўла қисқариши мумкин. Яхши баландликка сакраш учун қалин атлетик тузилган пайларга эмас, балки узун ва хичбичим пайларга эга бўлиш керак. Аввал ўтказилган тадқиқотлар ва ўзининг кузатувларнинг тахлили асосида М.Иванецкий қўйдагиларни таъкидлайди; спринтерларда – нисбатан тана узунлиги; қисқа масофага югурувчиларда – баланд бўй, яхши ривожланган кўкрак қафаси, яхши ривожланган болдир пайлари; сакровчиларда – баланд бўй спринтерларга нисбатан калта тана, яхши ривожланган оёқлар кузатилади. Узоққа сакровчилар спринтерларнига ўхшаш кўрсаткичларга эга бўладилар.

Никутушкин берган маълумотлари бўйича енгил атлетикачиларга нисбатан паст бўй, катта бўлмаган оғирлик, гавда тузилиши озгин кўринишга эга бўладилар. Инглиз олими профессор Ж.Таннер ўтказган тадқиқотлар Олимпиада Ўйинлари қатнашчилари – енгил атлетикачиларнинг гавда тузилиши хусусиятларини ўрганишга бағишлиланган. У спортчиларни гавда тузилишларини ўрганишда нафақат тана ўлчамларини балки махсус қурилмаларини қўллаган холда атлетларни уч холатда фотосуратини (олдидан, ёнбошдан, орқадан) олган, сўнгра фотосуратлар бўйича қиёсий антропометрик кузатишлар олиб борган ва маълумотларни умумлаштирган. Спринтерлар орсида мезоморф белгилари кўпроқ бўлган сомотиплар учрайди. 400 м га югуриш бўйича яхши натижалар кўрсатаётган спортчилар, узун оёқларга, кенг елкаларга, нисбатан яхши ривожланган мушакларга эга.

400 м га югурувчиларда аралаш соматотиплар учрамайди узоқ масофага югурувчилар тор тозга эга уларнинг кўл ва болдир –товон пайлари яхши ривожланган; 100 ва 400 м га югурувчиларга нисбатан оёқ, кўл ва тоз мушаклари ривожланган.

3000 м га тўсиқлар оша югурувчиларнинг болдир товрон пайлари ўрта ва узоқ масофага югурувчиларга нисбатан яхши ривожланган. Бу жихатлари билан улар 100 ва 400 мга баръерлар оша югурувчиларга ўхшайдилар.

50 км га югурувчиларнинг тузилиши 1500 мга югурувчиларга ўхшаш, гарчи уларнинг оёқлари узунлиги калтароқ кўқрак қафаси ва тоз айланаси, болдир товон пайларнинг ривожланиши бўйича 5000 м га югурувчиларни эслатадилар. 110 м га баръерлар оша югурувчилар узун оёқ ва гавдага эгалар. Мушукларнинг ривожланиши бўйича улар 100 м га югурувчиларни эслатадилар, лекин кейингиларнинг оёқлари калта бўлади. Оёқ ва тананининг кўрсаткичлари 400 ва 1500 м га югурувчиларнига ўхшайди, эҳтимол болдир пайлари бирмунча яхшироқ ривожланган бўлиши мумкин. 400 м га югурувчиларни эслатадилар, лекин биринчилар бироз хушбичим бўлишади.

Баландликка сакровчиларнинг бўйи баланд бўлади. Энг паст бўй 184 см бошқа турлардаги спортчилардан оёқларнинг танага нисбатан узунлиги билан ажралиб турадилар, бундай кўрсаткич улоқтирувчиларда кузатилади. Қолган барча кўрсаткичлар бўйича ўрта масофага югурувиларни эслатадилар.

Улоқтирувчилар – баланд бўйли, яхши ривожланган мушаклар, танага нисбатан узун оёқ ва қўлларга эгалар. Оёқ ва таналарнинг кўрсаткичлари бўйича улоқтирувчилар ўрта масофага югурувчилардан фарқланмайдилар. Диск ва ядро улоқтирувчилар болдир ва тоз айланисига қараганда кенг елкалар созиблари.

Ж.Таннер қўйдагича хулоса чиқаган: атлетларнинг тана тузилишлари юқори савиядаги спорт машқларини бажариш, тана аъзоларига меҳника нуқтаи назаридан маълум талаблар қўйлиши хисобига факланади. Унинг таъкидлашича, склет тузилиши наслийдир, агар ўсиш даври якунланган бўлса, унга машғулотлар таъсир ўтказмайди. “Бизнинг склетимиз пропортцияларини хеч нарса ўзгартира олмайди” деб якунлайди ўз илмий ишини инглиз олими. Дунёнинг турли мамлакатларида ўтказилган тадқиқотлар, юқори малакали спортчиларнинг соматик ривожланиши қиёсий тахлилини ўтказиш имконини берди. Тахлил учун Олимпиада ўйинлари Польшанинг ёшлар терма жамоаси Марчока , Скибински ва Украина терма жамоаси Л.Волков спортчиларнинг кўрсаткичлари олинган.

400 ва 110 м га баръерлар билан югурувчилар, баландликка сакровчилар, диск ва босқон улоқтирувчиларнинг оёқлари узунлиги эътиборини тортади. Қўллар узунлиги бўйича алохида гурухларини ажратиб бўлмайди; ягона истисно – Олимпиада ўйинлари қатнашчилари диск улоқтирувчиларга тегишли, уларнинг бу белги кўрсаткичлари катта. Энг катта кўрсаткичлар улоқтирувчиларда, энг кичик қисқа масофага югурувчиларда. Турли миллий жамовлар спортчиларнинг гавда тузилишини ўрганиш ва таққослашда бўйлама кўрсаткичлар бўйича фарқ кузатилмади, ёнланма бўйича ахамиятли

бўлмаган фарқ мавжуд. Ёшдаги фарқ умуртқа устунининг тузилишида ҳам ўз ифодасини топган.

Ўғил болаларда динамик куч машқларига юқори сезгирик 2 даврдан иборат бўлади: 9 ёшдан 10-12 ёшгача ва 14 дан 17 ёшгача.

Қиз болаларда 11 ёшга келиб куч чидамлилиги 15-16 ёшли қизларнинг кўрсаткичларига етиб олади. 7-10 ёшли ўқувчиларда турғун кучланишлар толиқишининг тез ривожланиши билан кечади. 14 ёшдан кейин ҳам умуртқанинг суяк тўқималари қўпайиб катталашиб боради.

Жисмоний тайёргарликнинг барча турлари муайян ўхшашликларга эга. Ёш спортчиларнинг жисмоний тайёргарлиги спорт ихтисослиги билан чамбарчас боғлиқ. Машқ жараёнида жисмоний тайёргарликнинг бирор турига етарлича баҳо бермаслик охир-оқибат спорт маҳоратининг кучайишига тўсқинлик қиласди. Ёш спортчиларнинг машғулотларида УЖТ ва МЖТ воситалари нисбати қўйиладиган вазифалар, спортчиларнинг ёши, малакаси, уларнинг алохида хусусиятлари, машғулот жараёнининг босқич ва даврлари, организмнинг айни пайтдаги холатидан келиб чиқиб ўзгаргарилиди. (Н.Г.Озолин,2004; Т.Ю.Круцевич, 2003; Л. П. Матвеев,1991 В. Н. Платонов,1997,2004; Ф.А.Керимов, 2001, 2005; Р.С. Саломов, 2005; К.Т. Шокиржанова, 2009; Ю.М.Юнусова, 2005 Локтев С.А, , 2007; Марков Г.В.,2009 ва бошқ.) Ўтказилган тадқиқотларнинг натижаларига кўра, ёш спортчиларга енгил атлетиканинг турли йўналишларида юқори натижаларга эршиш учун маълум антропометрик кўрсаткичлар мухум ахмиятга эга.

Биз тадқиқот жараёнида жалб этилган синалувчиларни жисмоний ривожланганлик даражасини аниқлашга этибор қаратдаик. Унга кўра тажриба гурухи синалувчи ўқувчилаи жисмоний ривожланишида бўйининг узунлиги ўртacha 158 см ташкил этди.

Вазнини аниқлаш тестимизда ўртacha 49 кгга teng бўлди. Ўқувчиларни кўкрак қафас кенглигини аниқлаш тестимизда ўқувчиларни тинч холатда,

күкрак қафас кенглиги ўртача 79,6 смга тенг бўлган бўлса, нафас олишда 82,3 смни ташкил қилди. Нафас чиқарганида эса бу кўрсаткич 74,5 см билан ифодаланганлигини қўйдаги жадвалда кўришимиз мумкин.

Назорат гурухи синалевчиларининг жисмоний ривожланганлик даражаси бўйича бўйининг узунлиги 159 смни ташкил этади. Вазни бўйича ўтказилган тадқиқотда назорат гурухи синалевчиларининг оғирлиги 49,2 кг тенг бўлди кўкрак қафас кенглигини аниқлаш мақсадида ўтказилган тестда тинч холатда кўкрак қафас кенглиги 80,1 см билан ифодаланган бўлса, нафас олганида кўкрка қафас кенглиги 83 смга кенгайганлиги кузатилди. Кўкрак қафас кенглиги нафас чиқазганида 75,1 смга кенгайганлигини жадвалда кўршишимиз мумкин.

Олиб борилган тадқиқотга кўра тажриба ва назорат гурухини жисмоний ривожланганлик даражасини қиёсий тахлил этганимизда. Тажриба ва назорат гурухи синалевчиларининг антропометрик хусусиятлари бўйича тана тузилиши, вазин оғирлиги, кўкрак қафас кенглиги бўйича улар ўртасида сезилларли фарқ кузатилмади. Олинган натижаларини 3.1-3.2-жадвалларида бериб ўтдик.

**Назорат гурухи синаалувчиларининг тадқиқот олдин жисмоний
ривожланганлиги даражаси.**

3.1-жадвал:

| № | Ф.И.Ш | Туғулган йили | Бўйи | Оғирлик | Кўкрак қафас кенглиги | | |
|----|------------------|------------------|------|---------|-----------------------|----------------|-------------------|
| | | | | | Тинч холати | Нафас олиши | Нафас чиқариши |
| 1 | Султонов. И | 2002 | 158 | 54 | 83 | 85 | 78 |
| 2 | Ахмедов. С | 2002 | 161 | 46 | 74 | 79 | 69 |
| 3 | Турдибайев. Н | 2002 | 156 | 47 | 76 | 79 | 69 |
| 4 | Жўраев. С | 2002 | 163 | 46 | 75 | 78 | 68 |
| 5 | Фарходов. Ш | 2003 | 160 | 50 | 83 | 87 | 78 |
| 6 | Муродов. Ж | 2002 | 161 | 50 | 81 | 85 | 76 |
| 7 | Холиёров. Т | 2002 | 162 | 48 | 86 | 89 | 78 |
| 8 | Маннанов. А | 2002 | 163 | 49 | 78 | 82 | 74 |
| 9 | Самандаров.Б | 2002 | 156 | 48 | 80 | 83 | 79 |
| 10 | Алламуродов. А | 2002 | 158 | 46 | 76 | 81 | 71 |
| 11 | Нурлибоев. Д | 2002 | 158 | 50 | 86 | 89 | 80 |
| 12 | Жамолов. М | 2002 | 155 | 49 | 84 | 89 | 79 |
| | Х Уртacha | | 159 | 49,0 | 80,1 | 83,0 | 75,1 |

Биз тадқиқот олдидан қайдаги педагогик тестлардан жисмоний ривожланганлик даражасини аниклашда фойдаланилди. Синаувчиланинг тезкор күч, чидамлийлигини аниклашда 100м масофага югуриш тестидан фойдаланилди. Навбатдаги тескор чидамлийликни аниклаш тестимизда 400 м масофага югуриш машқидан фойдаландик. Чидамлийликни аниклаш бўйича ўтказилган тестимиз 3000 м масофага югуриш тестидан фойдаландик.

Портловчи кучни аниклашда 1 кг тўлдирма тўпни олдинга улоқтириш тестидан фойдаланилди. Тажриба ва Назорат гурухи синаувчиларининг жисмоний тайёргарлиги бўйича олинган дастлабки, тадқиқот олди натижаларини қайдаги жадваларда бердик.

Ёш енгил атлетикачилар машғулотининг вазифалари катталар машғулотларининг вазифаларидан анча фарқ қиласи. Бу давирда турли хилдаги жисмоний машқлар ёш енгил атлетикачиларнинг организмининг яхшироқ шакилланиши ва ривожланишига ёрдам беради. Соғлом ҳар томонлама жисмоний етук ёш енгил атлетикачилар қейинчалик спорт ихтисосини эгаллаб, яхши муваффақиятларга эриша оладилар. Ёш спортчилар ўсган сари уларнинг машғулотлари катталар машғулотларига яқинлашаверади. Ёш спортчилар учун бир неча йиллик машғулот режасини тузаетганда ўсмиirlар ва болаларнинг кучини ва чидамлийлигини ривожлантириш ўринсиз еканлигини эсдан чиқармаслик зАйни вақитда уларнинг ёш чоғида, тезкорликни ривожлантириш яхшироқдир. Шуни хам таъкидлаб ўтиш жоизки ёш енгил атлетикачилар шуғуланиётган жисмоний машқлар хилма-хил бўлса, харакат тажрибасини кўпроқ тўплайди ва харакатларни бошқара олиш қобилияти хам шунчалик яхши бўлади. Ёш енгил атлетикачиларнинг машғулотларида енгил атлетикани барча турларини кенг қўллаш керак. Бунда эса ёш спортчиларнинг ирода ва характерини тарбиялашда ойда 2-3 марта мусобақаларга қатнашиб туриш фойдалидир. Шу мақсадда машғулотларда мусобақалашув усулларидан кенг фойдаланиш керакарур.

**Тажриба гурхи синалувчиларнинг тадқиқот олдидин
жисмоний ривожланганлик даражаси.**

3.2-жадвал:

| № | Ф.И.Ш | Тугулган йили | Бўйи | Оғирлик | Кўкрак қафас кенглиги | | |
|----|------------------|------------------|------|---------|-----------------------|---------------|-------------------|
| | | | | | Тинч холати | Нафас олиш | Нафас чиқариши |
| 1 | Рустамов. Б | 2002 | 156 | 54 | 83 | 85 | 78 |
| 2 | Усмонов. Б | 2002 | 161 | 46 | 74 | 79 | 69 |
| 3 | Давлатов. Э | 2002 | 156 | 47 | 76 | 75 | 69 |
| 4 | Бекназаров. Ш | 2002 | 163 | 46 | 75 | 77 | 68 |
| 5 | Худойқулов. С | 2002 | 154 | 50 | 81 | 85 | 77 |
| 6 | Собиров. Ж | 2002 | 157 | 50 | 80 | 83 | 76 |
| 7 | Шарипов. Ф | 2002 | 163 | 50 | 85 | 88 | 78 |
| 8 | Жўрабойев. В | 2002 | 164 | 49 | 78 | 81 | 74 |
| 9 | Турсунов. А | 2003 | 155 | 49 | 80 | 83 | 76 |
| 10 | Ғайбулайев. Ж | 2003 | 158 | 46 | 75 | 77 | 71 |
| 11 | Самадов. Қ | 2002 | 156 | 50 | 85 | 88 | 80 |
| 12 | Зайниддинов. Ж | 2002 | 158 | 51 | 84 | 87 | 79 |
| | Х Ўртacha | | 158 | 49 | 79,6 | 82,3 | 74,5 |

3.2 Мактаб енгил атлетика секцияларида машғулотларни ташкил этишда жисмоний тайёргарликни ахамияти.

Турли хил жисмоний машқлар ичида енгил атлетика машиқлари инсонни хар томонлама жисмоний ривожлантиришда асосий ўрини эгаллайди. Хусусан, турли хил югуриш, сакраш, улоқтиришлар хар бир жисмоний тарбия дарсининг таркибий қисмiga киритилади. Енгил атлетика машқларидан мактабда спорт тўгараклари машғулотларида, шунингдек, ёзги дам олиш оромгохларида хам кенг қўланилади. Енгил атлетика турларидан “Алпомиш” ва “Барчиной” маҳсус тест синовлари мажмуасига кўпгина машқлар киритилган.

Дастлабки тайёргарлик гурухида (11-12 ёш) асосий эътибор саломатликнинг мустахкамлашга, хар томонлама жисмоний тайёргарликка, координатцион қобилятлар (чаққонлик, тезкорликни, эглиувчанликни хамда чидамлиликни ривожлантиришга қаратилган.

Кичик ўсмирлик (13-14 ёш) гурухидаги ёш енгил атлетикачиларни кейинчалик хар томонлама жисмоний ривожланиш ва тайёргарлигини хисобга олган холда улар иқтидорига қараб енгил атлетиканинг чидамлилик, тезкорлик ёки қуч талаб этиладиган турларига йўналтирилади. Шунга кўра улар “Умид нихоллари” мусобақаларнинг туман, шахар, вилоят босқичларида қатнашадилар.

Кичик ўсмрлар (15-16 ёш) гурухи харривожланиши, яъни харакат мускултурасини ривожлантириш, организм органлари ва системаларни мустахкамлаш, уларнинг функционал имкониятларини ортириш, бошқара олиш қобилятни яхшилаш, кучни тезкорликни, чидамлиликни, чаққонлиликни, эглиувчанлиликни ошириш, қомат ва тана тузлишидаги качиликларни тузатиш назарда тутилади. Бунга эршиш учун турли хил харакат фаолиятига қатнашувчи организм органлари ва системалари билан хамма тана қисимларига таъсир этиб туриши зарур. Бунинг учун эса

юқорида зикр этилган уч группадаги машқлардан, айниқса умумий ривожланишга мұлжалланған машқлардан хар хилларни ишлатиш керак.

Махсус жисмоний тайёргарлик: - енгил атлетиканинг мазкур турини бажариш учун нима талаб этилишига қараб, спортчи организмининг хамма функционал имкониятларини, хамма органлар ва системаларини юқори даражада ривожлантиришга қаратылған. Бунинг учун, табиеки танлаб олинған енгил атлетика турининг машқлари ва махсус машқлардан фойдаланилади.

Умумий жисмоний тайёргарлик учун күпинча умумий таъсир күрсатадиган машқлардан, махсус тайёргарлик учун эса аниқ мақсадга йўналтирилған машқлардан фойдаланилади.

Лекин умумий жисмоний тайёргарликда хам жисмоний ривожланиши, тана тузилиши қомат расоликги ва шунга ўхшашлардаги айрим камчиликларни йўқотиш учун аниқ йўналтирилған машқлар қўланади.

Умумий ва махсус жисмоний тайёргарликда кучини, тезкорлик, эглувчанликни ривожлантирувчи машқлар асосан ахамият ўйнайди.

Худди шу жисмоний фазилатларда енгил атлетикачининг бутун организмдаги органлар ва системалар иш қобилятига асосланиб, унинг харакат қилиш имкониятини акс этади. Ўз навбатида жисмоний тайёргарлик уч даврга бўлинади:

Умумий тайёргарлик даври: - ўқувчи енгил атлетикачилар машғулотнинг умумий тайёргарлик даврида уларнинг жисмоний, сифатлари харакат кўникма ва малакаларини шакиллантиришга катта эътибор бериш зарур.

Махсус тайёргарлик даври: - бу даврига келиб ўқувчиларни енгил атлетика турларига йўналтирилиш, турлар бўйича жисмоний сифатларини, техник хатти харакатларини ривожлантириш турли тоифадаги мусобақаларда иштирокини таъминлашни мақсадга муофиқ равища режалаштириш лозим.

Машғулот даврининг муайян муддатларига мусобақалар тақвими жиддий таъсир кўрсатади. Машғулот жараёни мусобақалар муддатини хисобга олган холда режалаштириши керак. Мусобақалар тақвимининг тузилиши айниқса мусобақалар даврининг қурлишига айниқса таъсир қиласди, лекин қисман машғулотнинг бошқа даврлари давоимйлигини чеклайди.

Иккинчи тамондан спорт тақвими машғулот жараёнинг объектив зарур таризда даврлаштирилганлигидан келиб чиқиб тузилиши лозим, чунки мусобақаларнинг маълум равишда гурухланиши билан изоҳланади.

Мусобақа даври: - асосий мақсад масулиятли мусобақалар олдиндан режалаштирилган муддатларида энг юқори спорт натижалариiga эришишдан иборат.

Мактаб енгил атлетика секцияси енгил атлетика билан шуғуланишни истаган ва машғулотга врач рухсат берган ўқувчилардан ташкил топади. Ўқувчилар ёшига, жисмоний ва техниковий тайёргарлигига қараб гурухларга бўлинади:

Тайёрлов гурухи: 11-12 ёш (5-6 синф).

Кичик ўспиринлик гурухи: 13-14 ёш (7-8 синф).

Ўрта ўспиринлик гурухи: 15-16 ёш (9 синф).

Тайёрлов ва кичик ўспиринлик гурухларида машғулотлар 1-1,5 соатдан хафтада 2-3 марта, ўрта ва катта ўсиринлик гурухларида эса 2 соатдан 3 марта ўтказилади. Машғулотлар йил бўйи дарсдан ташқари ўтказилди уларга енгил атлетикадан ташқари спорт ўйинлари ва бошқа турлар киритилди. Амалий машғулотларни имконият борича қишин-ёзин очиқ ҳавода ўтказилди (мактаб майдончасида). Ёзги таътил вақтида шуғуланувчи ёш енгил атлетикачиларга умумий жисмоний камолот ва машқ бажариш техникасидаги билимларни мустахкамлаш учун индивидуал уй вазифларини бериш тавсия қилинади.

Бундан ташқари уларни хар кунги гигиеник баддан тарбия бажаришга ўргатиб бориш зарур. Кичик ёшли гурухда асосий эътибор умумий жисмоний тайёргарликка хамда машғулотларни қизиқарли ўтиши учун машқлар хусусиятини ўзгартириб кўпроқ харкатли ўйинлар ва оддий мусобақалар ўтказиб туриш керак. Ўрта ва катта ёшдаги гурухларда, танлаб олинган тур техникасини ўргатиш билан биргаликда, умумий ва маҳсус тайёргарликка хам кўпроқ эътибор бериш лозим.

Мактаб енгил атлетика секциясининг кичик, ўрта ва катта ёшлилар гурухлари материаллари, мактаб жисмоний тарбия секциясининг дастурида кўрсатилган. Айниқса тайёрлов ва кичик гурухлардаги ўқувчиларнинг машғулотларига тўхталиб ўтиш керак. Энг муҳими, уларнинг суюк системасига сакраш ва оғир снарядларни отиш ва улоқтиришга боғлиқ турли хил оғир машқлар билан катта жисмоний юкламаларни бермасликни эсдан чиқармаслик керак. Кичик гурухдаги ўқувчиларнинг машғулотларида умумий ва маҳсус жисмоний тайёргарликни оширишга ёрдам берувчи машқлар қўлланилади.

Ўқувчилар югуриш техникасини эгалаб, югуриш тезлигини тўғри ошириб уни сақлай олишлари, маълум тезликда эстафета тайёқчасини зонадан узата олишлари, югуриб келиб депсина олишлари (узунлника ва баландликка сакрашда), тўп ва гранатани нишонга ва узоққа ота олишлари керак. Ўқув машғулотларида пастки стартдан югуриб чиқиш, “оёқларни йифиб” узунликка сакраш, баландликка сакраш тахникалари билан таништириш керак. Ўрта гурухдаги ўқувчилар 60-100 м масофаларга югуриш бўйича машғулотларини қила бошлайдилар, 200 м га югуриш билан танишадилар, 4x100 м ли эстафетада узатиш техникасини такомилаштирадилар ва ғовлvr оша югуришни ўргана бошлайдилар (иккинчи ўқув йилида ғовлар балндилиги ўғил болалар учун 91,4 қиз болалар учун 76 см гача бўлади).

Ўспириналар таълмининг иккинчи йили лангар билан сакраш техникаси билан танишадилар.

Катта гурухдаги ўқувчилар махсус жисмоний тайёргарликни ошира бориб, танланган спорт турида юқори натижада күрсатиш учун машғулот қила бошлайдилар. Улар бу пайтда пастки стартни техника жихатидан тўғри бажариш, бурилиши, тўғри йўлакда югуриш ва маррага келишни билишлари керак. Бундан ташқари, ғовлар оша югуриш техникасини хам эгаллашларри лозим. Узунликка ва баландликка техник жихатдан тўғри сакрай олиш дискни бурилиб улоқтириш ва ядрони сапчиб ота олишга ўргатиш зарур. Машғулотлар дастурига турли хил сайрлар, экскурсиялар, походлар хам киритилади, улар ўқувчиларнинг тайёргарлиги ва кучига мос бўлиши керак. Ўқувчилар ёшига, спорт техник ва умумжисмоний тайёргалигига қараб ўқув гурухларига тақсимланади:

Тайёрлов гурухи (11-12 ёш)

Ўсмирлик (13-14 ёш)

Кичик ўспиринлик (15-16 ёш)

Катта ўспиринлик (17-18 ёш)

Спорт маҳоратини ошиш гурухлари (19-20 ёш).

Ёш енгил атлетикачиларнинг машғулотларида енгил атлетиканинг барча турларини кенг қўллаш керак. Ёш енгил атлетикачилар (14-17 ёш) машғулотининг кўп йиллик перспективи режасидаги асосий вазифа куйдагилардан иборат.

1.Хар тамонлама жисмоний ривожланиш ва соғлиқни мустахкамлаш; гавданинг барча мускулларини гормоник ривожлантириш, юрак- қон томир ва нафас олиш системаларини мустахкамлаш, орган ва системаларининг функционал қобилиятларини яхшилаш, куч, тезкорлик, эгилувчанлик ва эпчиликни ривожлантириш.

2.Ҳаракатларни тез ва кетма-кет бажара олиш қобилиятини ривожлантириш. Бунга энг аввало қисқа масофаларга югуриш ва ўйинлар ёрдамида эршлади. Шунингдек ғовлар оша югуриш ва сакрашлар тавсия

қилинади. Ёш енгил атлетикачилар машғулотларида тезкорликни ривожлантирувчи машқлар ўртача 50 фоиз вақтни эгаллаши керак.

3. Енгил атлетиканинг асосий турлари (қисқа масофаларга югуриш, ғовлвр оша югуриш, узунликка, баландликка, сакраш, ядро, отиш ва диск улоқтириш) техникасини, махсус ва умумривожлантирувчи машқлар, баскетбол, акробатик машқлар, штанга (енгиллаштирилган) кўтаришларнинг техникасини эгаллаш. Уч хатлаб сакраш, лангар билан сакраш, шунингдек найза ва босқон отиш техникалари била н таништириш.

4. Ёш енгил атлетикачиларнинг кейинчалик ихтисосланиши мумкин бўлгани сабабли, уларга техникани чукурроқ ўргатиш учун енгил атлетиканинг 2-3 турини танлаш.

5. Енгил атлетика турларининг соддалаштирилган (элементар) техникасига ўргатишни 12 ёшдан бошлиш керак. Бу техникани кейинчалик такомиллаштирилаётганда ҳосил бўлган малакани бузишга тўғри келмайдиган бўлиши керак.

Танлаб олинган енгил атлетика турида юқори натижаларга эршиш учун махсус машғулотни қисқа масофаларга югуриш, ғовлар оша югуриш, сакраш ва улоқтиришларда 15-16 ёшдан ўрта масофаларга югуришда 17 ёшдан бошлиш тавсия қилинади. Айрим холларда жисмонан яхши ривожланган ва яхши тайёрланган ўспирин болалар ва ўспирин қизлар махсус машғулотларни барвақитроқ бошлашлари мумкин. Ёш спортчиларни ирода ва характеристини тарбиялашда ойда 2-3 марта мусобақаларга қатнашиб туриш фойдалидир. Шу мақсадда машғулотларда мусобақалашув методларидан кенг фойдаланиш зарур бўлади.

Енгил атлетика машқлари билан шуғулланиш юрак-қон, томир ва нафас олиш системасини мустахкамлайди, мушакларнинг гармоник ривожланишини таъминлайди, бўғинлардаги харакатчанликни яхшилайди ва асаб-мушак координациясини такомиллаштиради. Енгил атлетика машғулотлари мактабда жисмоний тарбия дарсларида, мактаб жамоаси

секциясида, болалар спорт мактабида ўткзилади. Болалар ўсмирлар ва ўспиринлар билан ўтказиладиган енгил атлетика машғулотларининг мазмуни уларнинг ёш хусусиятларига боғлиқ бўлиб, машғулотларни режалаштириш ва ўтказиш вақтида буни эътиборга олиш зарур. Киши организмининг ўсиши, шакилланиш ва ривожланиши ўрта хисобда 25 ёшгача давом этади.

Организмнинг шакилланиши билан бирга боланинг суюк системаси хам ривожланади. Тўқимлардаги зич ғовак моддалар тузилиши ўзгаради, суюклар бўйига ва энига ўсади. Ёшдаги фарқ умуртқа устунининг тузилишида хам ўз ифодасини топган, хатто 14 ёшдан кейин хам умуртқанинг суюк тўқималари кўпайиб, катталлашиб боради. Умуртқа танаси эпифезларининг суюкка айланиши 18-25 ёшгача содир бўлади.

Давомли зўриқишлиар, ерга сакраб тушишда бўладиган кучли силтовлар, кучи етмайдиган оғир предметлар кўтариш ва диэпифизор тоғайларнинг жароҳатланишига олиб келад. Буларни машқларни танлашда эътиборга олиш керак шу билан бирга машқларни тўғри танлаш ва дозалаш суюк системасининг тўғри ривожланишига ёрдам беради. Болаларнинг тоғайларидаги юқори эластиклик ва бўғинлардаги харакатчанлик машқларни кенг доирада бажаришга ёрдам беради. Кенг доира билан боғлиқ бўлган ҳаракатлар болаларнинг суюк тўқималари ривожланишига ижобий таъсир қиласи, хилма-хил енгил атлетика машқлари эса бола скелетининг ўсиши ва шаклланишига ёрдам беради. Шу жумладан мушакларнинг кучли ўсиши 12 ёшдан бошланади, бу пайтда енгил атлетика билан шуғулланиш уларнинг ривожланишига ёрдам беради. Мускуларнинг тез ўсишига қарамай, скелетнинг ўсишидан орқада қолиб, фақат жинсий етилишнинг охирида (қиз болаларда 13-16 ёш, ўғил болалар 14-17 ёшда) тананинг умумий оғирлигининг қизларда 36% ни, ўғил болаларда эса 40% ни ташкил қиласи. Шунинг учун айрим мушаклар гурухининг дам-бадам ишлашини таъманлайдидиган машқларни танлаш тавсия қилинади.

Ёш енгил атлетикачиларнинг жисмоний тайоргарлиги даражасини тезкорлик, куч-куват ва чидамлиликни аниқлайдиган қуидаги назорат синовлари орқали билиш мумкин:

- А) паски ва юқори стартдан 30 ва 60 м га югуриш;
- Б) турган жойдан узунликка сакраш;
- В) иккала оёқ билан депсиниб юқорига сакраш;
- Г) динамометир орқали асосий кучни ўлчаш;
- Д) оёқларни тўғри бурчак остида букиб, қўлларда осилиш (вақт ҳисобланади).
- Е) чидамлилик югуриши: 13 ёшли ўғил болалар 300 м, 13-14 ёшли қиз болалар - 300 м, 14-16 ёшли ўғил болалар – 600 м, 17-18 ёшли ўспиринлар - 800 м, 15-18 ёшли қизлар 600 м.

Бу даврда кичик юкламали машқлар бажариб, дам олишни, танаффусни кўпайтирган мақул. Шунихам айтиб ўтиш керакки, юрак фаолиятига психик холат хам таъсири қўрсатади, эмоция ва бошқа психик факторларнинг таъсири болалик ва ўсмирлик ёшида кўпроқ намоён бўлиши маълум бўлди.

Махсус жисионий тайёргарлик бўйича воситаларни тақсимлаш.

3.5 жадвал.

| | | | | | | | | | | | |
|--|-----|----|----|------|------|------|------|------|------|-----|-----|
| Сакраш машқлари | 15 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| Югурувчининг махсус машқлари | 6 | 1 | 1 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 |
| Фовлар оша югуриш ва махсус машқлар | 8 | 1 | 1 | 1 | - | - | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| Пастки стартдан югриш | 5 | 1 | 1 | 1 | - | - | - | - | - | 1 | 1 |
| 60м гача бўлган масофада тақорий югриш | 7 | - | - | 1 | 1 | - | - | 1 | 1 | 1 | 2 |
| Эстафета югриш, югриб келиб югриш | 6 | - | - | - | - | - | 1 | 2 | 2 | 1 | - |
| 60м дан ортиқ масофаларда тақорий югриш | 7 | - | - | - | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| Ўзгарувчан (алмашлаб) югриш (30-50м) | 2 | - | - | - | - | 1 | 1 | - | - | - | - |
| Югриб келиб узунликка сакраш | 7 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | - | - | - |
| Югриб келиб баландликка сакраш | 6 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | - | - | - | - |
| Кичик тўпни улоқтириш | 3 | - | - | - | - | - | - | - | 1 | 1 | 1 |
| Жами соатлар | | 7 | 7 | 7,5 | 6,5 | 6,5 | 7,5 | 7,5 | 7,5 | 7,5 | 7,5 |
| Мусобақада қатнашиш тақвим режалар асосида | | | | | | | | | | | |
| Жами соатлар | 136 | 13 | 13 | 13,5 | 13,5 | 15,5 | 15,5 | 14,5 | 13,5 | 12 | 12 |

Енгил атлетика тўгараги бўйича 13-14 ёшли ўқувчилар учун машғулотлар намунавий ўқув режаси.

3.6 жадвал

| Мазмуни | Жами | сентябрь | октиабрь | ноябрь | декабрь | январ | феврал | март | апрел | май | июн |
|--|------|----------|----------|--------|---------|-------|--------|------|-------|-----|-----|
| Назарий (9соат) | | | | | | | | | | | |
| 1.Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт | 1 | 1 | | | | | | | | | |
| 2.Ўзбекистонда енгил атлетика спорт турининг ривожланиши қисқача тарихи. | 1 | | 1 | | | | | | | | |
| 3.Жисмоний машқларнинг шуғуланувчилар организмига таъсири. | 1 | | | 1 | | | | | | | |
| 4.Сортчининг гигиенаси, чиникиш, режими ва овқатланиши. | 2 | | | | 1 | | 1 | | | | |
| 5.Шуғуланишда техника хавфсизлиги, жароҳатланишининг олдини олиш ва нохуш холатларда биринчи ёрдам кўрсатиш. | 1 | | | | | 1 | | | | | |
| 6.Кўргазмали куроллардан фойдаланиш, ўқув ўрганиш филимларини кўриш, кинограмма ва кинокальцовкалар билан енгил атлетика турлари техникаларини намойиш | 1 | | | | | | 1 | | | | |

| қилиш | | | | | | | | | | |
|--|---|--|--|--|--|--|--|---|--|--|
| 7.Енгил атлетика бүйича талаб мөмөрлари ва разрядлар мазмуни билан таништириш. | 1 | | | | | | | 1 | | |
| 8.Мусобака қоидалари, мусобақаны ўтказиш жойини тайёрлаш. | 1 | | | | | | | 1 | | |

Мактабда енгил алетика спорт тури бўйича тўгаракда соатларнинг тақсимланиши.

3.7 жадвал

| Синифлар (ёш гурухлари) | Машғулотлар сони | | Бир машғулотнинг давом этиши | Соатлар миқдори | | Тайёргарлик турлари | | | Инструкторлик ва ҳакамлик амалиёти |
|---|------------------|------------|------------------------------------|-----------------|-----------------|---------------------|------------------------|------------------------------------|--|
| | хафгасига | 1 йилда | | Хафгасига | 1 йилда | назарий | Жисмоний ва техника | мусобака | |
| Бошланғич тайёргарлик гурухи | 2 | 68 | 90 дақиқа | 4 | 136 соат | 9 | 127 соат | Тақвим режа асосида | - |
| Ўсмирлик гурухи | 2 | 68 | 90 дақиқа | 4 | 136 | 9 | 124 соат | Тақвим режа асосида | 3 |
| Кичик ўспириенлик гурухи | 3 | 108 | 90 дақиқа | 6 | 216 | 9 | 201 соат | Тақвим режа асосида | 6 |
| Амалий машғулотлар (132 соат) | | | | | | | | | |
| Умумий жисмоний тайёргарлик (47 соат) | | | | | | | | | |
| Енгил югуришлар | 9 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 0,5 |
| Кросслар (1-2 км) | 4 | - | - | - | 1 | 1 | 1 | - | - |
| Спорт ва харакатли ўйинлар | 10 | 0,5 | 0,5 | 1 | 1 | 1 | 0,5 | 0,5 | 0,5 |
| УРМ, гимнастика,акробатика | 15 | 1,5 | 1,5 | 1,5 | 1,5 | 1,5 | 1,5 | 1,5 | 1,5 |
| Хар хил оғирликлар билин кучни ривожлантириш. | 6 | - | - | - | - | 1 | 1 | 1 | 1 |
| Улоқтриш машиқлари | 6 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | - | - | - |

| | | | | | | | | | | | |
|------------------------|----|---|---|-----|-----|-----|-----|---|---|-----|-----|
| түлдирма топни ва х.к. | | | | | | | | | | | |
| Жами соатлар | 47 | 4 | 4 | 4,5 | 5,5 | 6,5 | 6,5 | 5 | 4 | 3,5 | 3,5 |

3.3.Мактаб енгил атлетика секцияларида машғулотларни самаради ташкил этиш йўллари.

Болалар билан ўтказиладиган енгил атлетика машқлари катталарнидек ташкил қилинади ва ўтказилади. Ўзига хос баъзи хусусиятлари хам бор, масалан; дарс муддати оз, юклама хажми ва шиддати кичик бўлади. Болалик ва ўсмирлик ёшида ҳаракат анализаторлари функциясининг такомиллашуви билан ҳаракат малакаларини ўрганишга бўлган сезирлик ошади. Болалар бу ёшда жуда хам кўп нозик ҳаракат малакаларига ўрганиш қобилятига эга. Куч-кувват ва чидамлиликка зўр келмаса бас. Шунинг учун барвақт ўргатишни тўғри ва анча рационал техника билан бошлаш керак.

Шунинг билан биргаликда, турли-туман ҳаракатлар ва ишга ҳам ўргатиш муҳим. Тўпланган малакалар ва билим каттароқ бўлганда техникани муваффақиятли такомиллаштиришга ёрдам беради.

Айни вақтда енгил атлетика машқларини ўрганиш ва уларни такомилига етказиш мушак кучи, марказий асаб системаси юқори даражада ишлиши остида ҳаракатларни тез бажариш зарурлиги билан боғлиқдир. Шуғулланувчиларнинг организмига юқори талаблар қўйилади шунинг учун ҳам юкламаларни айниқса (юрак, қон-томир системасига) аста-секин ошириб бориш керак. Тезкор югуриш кўпгина енгил атлетика машқларининг таркибий қисмидир. Ўйинларга таалтуқли бўлган югуриш элементлари кичик ва ўрта ёшдаги болалар билан ўтказиладиган машғулотларда асосий ўрин тутади.

Илмий текширишларнинг қўрсатишича 12-13 ёшда ҳаракат тезлигини ошириш ва нерв процессларининг ҳаракатларини такомилаштириш учун энг қулай шароит вужудга келади. Тез югуриш машқлари айни вақтида енгил атлетиканинг бошқа турларидаги ҳаракатларни яхшироқ эгаллашга ёрдам беради.

Югуриш техникасини ўргатишда ҳаракатларнинг табиийлиги ва енгиллигини сақлаб қолиш ва оёқ учида югуришга ўргатиш мухим. Қисқа масофаларга югуриш ва ортиқча зўриқиши сезилиши биланоқ машқни тўхтатиш орқали югуришда енгил ҳаракатга эришилади. Югуриш вақтида гавдани тўғри ҳолатда сақлашга эътибор бериш керак. Ерга оёқни “овозсиз” қўйиш енгил югуриш қадамларини ҳосил қилишга ёрдам беради. Оёқларни тўлиқ тўғирламаган тақдирда, олдинга оёқдан оёқа сакраб силжиш машқлари қўлланилади.

Бундай сакрашлар турли хил суръатда бажарилади, тез сакрашлар югуришга ўхшашибdir бу машқ шиддатининг ўсиб бориши шаклида бажарилиши керак. Болаларни тез югуришга ўргатаётганда, югуришларнинг тезлигини аста-секин ошриш керак тезлашиб борадиган югуриш бунинг учун энг яхши машқдир. Ўқувчиларга югуриш вақтида, тезликни ўзлари бошқаришга ўргатиш мухим бунинг учун дастлабки югуришда ўқитувчининг ўзи болалар билан қўшлиб югургани маъқул. Ўргатишнинг дастлабки босқичларида жуда юқори тезлиқда югуриб ўтиш тавсия қилинмайди ўқувчилар кучанмай тез югуришни қанчалик ўзлаштирганига қараб 10 м ва бундан ортиқ қисмда имкон борича тез югуришлари мумкин. Харкатларда ортиқча кучаниш ва танглик сезилиши билан тезликни пасайтириш даркор.

Шу билан биргаликда, факат тезлашиб борадиган югуриш билан чегараланмай, чидамкорликни ҳам ривожлантириб бориш керак бунинг учун ўқувчилар масофалар қисимларини ва бутун масофани такрор ва максимал тезлик билан югуриб ўтадилар. Ўқувчиларни, масофа бўйлаб югуриб ўтиш техникасини ўзлаштириб олгандан кейин, пастки стартдан югуришга ўргатиш мумкин. Сигналдан кейин стартдан аниқ ва тез югуриб чиқишига эътибор бериш керак ўқувчилар стартдан тўғри югуриб чиқишини ва масофа бўйлаб югуришни ўрганганларидан кейин, катта тезлиқда маррадан югуриб ўтишни бошлаб туриб, уларни маррага келиш усуслари билан таништириш

Мактаб секциясида тажриба гурухи синалувчиларинни қүйдаги машқларни олиб бордик.

Дүйшанба:

Машғулот вазифалари: Тезкор куч сифатларини ўйин характеристига эга бўлган машқлар

Енгил югуриш 800 м

У Р М 15 дақиқа

М Ю М 2.20 м

Эстафеда югуриш 4.30 м

Тўсиқлардан ўтиш 5.5

Ўйин 20 дақ

Чоршанба:

Кросс югуриш 2 км

У Р М майса устида ўтриб 10 дақ

Яқунловчи югуриш 400 м.

Жума:

Енил югуриш 800м

У Р М 15 дақ

М Ю М 2.30 м

60-70% шидатда югуриш

Ўйин 20 дақ.

Ушбу машғулот тузилмаси орқали машғулот олиб бордик. Ўтказган тадқиқотдан сўнг тажриба ва назорат гурухларини жисмоний тайёргарлик бўйича аниқлашга этибор қаратдик.

**Ўсмирлар гурухи учун тўгарак машғулотларининг намунавий
режаси.**

| № | Мавзу | Соатлар сони | | |
|-----|--|------------------------------------|------------------|------------------------|
| | | Жами | Назарий Маш-т | Амалий Машғу лот |
| 1 | Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт | 1 | 1 | |
| 2 | Ўзъекистонда енгил атлетика спорт турининг ривожланиш тарихи | 1 | 1 | |
| 3 | Жисмоний машқларнинг шуғуланувчилар организмига таъсири | 1 | 1 | |
| 4 | Спортчининг гигиенаси, чиниқиши, режими ва овқатланиши | 2 | 2 | |
| 5 | Шуғуланишда техника хавфсизлиги, жароҳатланишини олдини олиш ва нохуш ҳолатларда биринчи ёрдам кўсатиш | 1 | 1 | |
| 6 | Кўргазмали қуроллардан фойдаланиш, ўкув ўрганиш филимларини кўриш, кинограмма ва кинокальцовкалар билан енгил атлетика турлари техникаларини намойиш қилиш | 1 | 1 | |
| 7 | Енгил атлетика бўйича талаб меъёрлари ва разириядлар мазмуни билан таништириш | 1 | 1 | |
| 8 | Мусобақа қоидалари, мусобақа ўtkазиш жойини тайёрлаш | | 1 | |
| 9 | Умумий жисмоний тайёргарлик | 81 | - | 81 |
| 10 | Махсус жисмоний тайёргарлик | 120 | - | 120 |
| 11 | Хакамлик ва инструкторлик амалиёти | 6 | - | 6 |
| 12 | Назорат машқлари ва спорт мусобақалари ҳамда “Алпомиш ва Барчиной“ тест меъёрларини қабул қилиш | Спорт тадбирлари режаси асосида | | |
| | ЖАМИ | 216 | 9 | 207 |
| Т-р | Мазмунни | 5-синф | 6-7 синф | 8-9 синф |

| | | | | |
|---|-----------------------------|-----|-----|-----|
| 1 | Назарий машғулот | 9 | 9 | 9 |
| 2 | Умумий жисмоний тайёргарлик | 55 | 47 | 81 |
| 3 | Махсус жисмоний тайёргарлик | 72 | 77 | 120 |
| 4 | Ҳакамлик ва инструкторлик | - | 3 | 6 |
| | Умумий соатлар | 136 | 136 | 216 |

**Умумтаълим мактаблар программасида енгил атлетика
(вазифалар ва асосий воситалар).**

| Енгил атлетика турлари. | 1-2 синфлар | 3-4 синфлар | 5-6 синфлар | 7-8 синфлар |
|--|---|---|--|--|
| Юриш | <p>Вазифалар: кенг эркин қадамларга ўргатиш.</p> <p>Воситалар: кенг эркин қадамлар билан гавдани тўғри тутиб оёқ учida юриш, кўллар турли холатда тиззаларни баланд кўтариб юриш. Саноқ билан 100 м гача тезлашиб борадиган ритмик юриш.</p> | <p>Вазифалар: харакат тезлигини ўзгартириб юришга ўргатиш.</p> <p>Воситалар: қадамлар узунлиги ва зичлигини ўзгартириб юриш.</p> | | |
| Югуриш | <p>Вазифалар: югурища эркин қадам ташлаш ва оёқ учida югуришни ўргатиш.</p> <p>Воситалар: 50-100 м масофаларда гавдвни тўғри тутиб дам югуриш дам юриш.</p> | <p>Вазифалар: тўғри чизик бўйлаб тезланиб югуришга, юқори стартга кичик тўсиқлар оша югуришга ўргатиш.</p> <p>Воситалар: 50 м гача тезкор югуриш ва уни 200 м юриш билан алмаштириш тепаликка ва ундан пастга қараб югуриш.</p> | <p>Вазифалар: паски стартда бериладиган буйруқларни бажаришга, оёқ учida тез югуришга, эстафета таёқчасини юкоридан узатишга ўргатиш.</p> <p>Воситалар: бир қўлига таяниб стартга туриш ва 20-30 м югуриб ўтиш Пастки старт: старт қолибчаларин и ўрнатиш буйруқлардаги</p> | <p>Вазифалар: пастки стртдан югуриб чиқишга эстафета таёқчасини узатиш зонасида узатишга ўргатиш.</p> <p>Воситалар: пастки старт ва юриб келиб 35-40 м гача стартли югуриш, 50 м гача тезкор югуриш, югурш (2-3 марта 2 мин оралиғида) ўғил болалар 400-500 м гача қиз болалар 250-300 м гача югуриш ёки кросс 50 м</p> |

| | | | | |
|---------------------|--|---|---|--|
| | | | холатлар ва 50-60 м га югуриш, ўғил болалар-2 мин, қиз болалар-1,5 мин секин югуриш. | босқичга эга бўлган доира бўйлаб. |
| Сакрашлар | <p>Вазифалар: сакрашда юмшоқ тушишга югуриб келиб узунликка сакрашда бир оёқ билан депсинишга оёқларни йигиб баландликка сакрашга ўргатиш ва югуриб келиб узунликка сакрашга ўргатиш ва югуриб келиб узунликка сакрашни ўргатиши бошлаш.</p> <p>Воситалар: турган жойда арғамчи билан сакраб машқ қилиш баландлиги 40 см гача турган жойдан узунликка сакриш, югуриб келиб узунликка ва баландликка сакраш.</p> | <p>Вазифалар: тик югуриб келиб баландликка сакрашга ўргатиши давом эттиришни югуриб келишни тезлаштириб оёқларни йигиб сакраш усулига ва депсинувчи оёқни депсиниш жойига аниқ туширишга ўргатиш. “Хатлаб ўтиш” усулида баландликка сакрашнинг югуриб келиш ритмига ва тўғри депсинишга ўргатиш.</p> <p>Воситалар: 5-7 қадамдан тик югуриб келиб баландликка хатлаб ўтиш усулида сакраш узунликка югуриб келиб оёқларни йигиб сакраш (депсиниш зонасининг кенглиги 30 см).</p> | <p>Вазифалар: югуриб келишни депсиниш билан боғлашни ўргатиш. “Хатлаб ўтиш” усулида баландликка сакрашнинг югуриб келиш ритмига ва тўғри депсинишга ўргатиш.</p> <p>Воситалар: оёқларни йигиб узунликка сакраш “қадамлаб” қисқа югуриб келиб сакраш баландликка “хатлаб ўтиш” усулида сакраш.</p> | <p>Вазифалар: “хатлаб ўтиш” усулида баландликка сакрашга югуриб келиш ритмини депсиниш билан боғлашни такомилаштириш . Узунликка сакраш да югуриб келишни аниклашга ўргатиш.</p> <p>Воситалар: баландликка хатлаб ўтиш усулида ва узунликка оёқларни йигиб усулида сакраш.</p> |
| Улоқтиришлар | <p>Вазифалар: енгил нарсаларни нишонга</p> | <p>Вазифалар: енгил нарсаларни нишонга ва узокқа улоқтира</p> | <p>Вазифалар: югуриб келиб улоқтиришга ўргатиши</p> | <p>Вазифалар: қисқа югуриб келиб граната, кичкина копток</p> |

| | | | | |
|--|---|---|---|--|
| | <p>турган жойдан түгри ва ён билан туриб улоқтиришга ўргатиш. Турган жойдан узоқка улоқтиришни ўргатиш.</p> <p>Воситалар: [x] қараган холда кичик коптоқларни бош устидан ошириб улоқтиришю.</p> | <p>олишини мустахкамлаш. Енгил нарсаларни орқадан елка устидан ошириб нишонга ва узоққа улоқтиришни ўргатишни бошلاш.</p> <p>Воситалар: 10 м масофадан 3 мбаландликдаги нишонга коптоқни отиш, кичик коптоқни девордан узокроққа қайтадиган қилиб отиш, кичик ва енгил нарсаларни орқадан елка устидан ошириб улоқтириш.</p> | <p>давом эттириш.</p> <p>Воситалар: турган жойдан ва югуриб келиб кичик коптоғини орқадан елка устидан ошириб узоққа отиш.</p> | <p>отишга ўргатиш (ўғил болалар).</p> <p>Воситалар: 5 кадамдан югуриб келиб 250-500 г оғирлиқдаги гранатани отиш (ўғил болалар) кичик коптоқни 5 кадамдан югуриб келиб улоқтириш (қиз болалар) Ядрони турган жойдан ва сапчиб отиш (ўғил болалар 4 кг, қиз болалар 3 кг).</p> |
|--|---|---|---|--|

**Дастлабки кичик ўсмирлар ва ўсмир ўқувчи гурухлари учун намунавий
машғулотлар ўқув режаси.**

| Мазмуни | Хажми | Сентябр | октиябр | ноябр | декабр | январ | феврал | март | апрел | май | июн |
|---|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|------|-------|-----|-----|
| Назарий (9 соат) | | | | | | | | | | | |
| 1. Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт | 1 | 1 | | | | | | | | | |
| 2. Ўзбекистонда енгил атлетика спорт турининг ривожланиш тарихи | 1 | | 1 | | | | | | | | |
| 3. Жисмоний машқларнинг шуғуланувчилар организмга, таъсири | 1 | | | 1 | | | | | | | |
| 4. Спортчининг гигиенаси, чиникиши, режими ва овқатланиши | 2 | | | | 1 | 1 | | | | | |
| 5. Шуғуланишида техника хавфсизлиги, жароҳатланишини олдини олиш ва ноҳуш холатларда биринчи ёрдаи кўрсатиш | 1 | | | | | 1 | | | | | |
| 6. Кўргазмали куроллардан фойдаланиш, ўқув ўрганиш фильмланини кўриш, кинограмма ва кинокальцовкалар билан енгил атлетика | | | | | | | 1 | | | | |

| | | | | | | | | | | | |
|--|-----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|------------|------------|
| турлари техникаларини намойиш қилиш. | | | | | | | | | | | |
| 7. Енгил атлетика бўйича талаб меъёрлари разирядлар мазмуни билан таништириш | 1 | | | | | | | | 1 | | |
| 8. Мусобака қоидалари, мусобака ўтказиш жойини тайёрлаш. | 1 | | | | | | | | 1 | | |
| Амалий машғулотлар(127 соат). | | | | | | | | | | | |
| Умумий жисмоний тайёргарлик(55 соат). | | | | | | | | | | | |
| Енгил югуришлар | 9 | 1 | 0,5 | 0,5 |
| Кросслар (0,5-1 км). | 4 | - | - | - | 1 | 1 | 1 | 1 | - | - | - |
| Умумривожлантирувчи машқлар, гимнастика акробатика. | 10 | 1 | 1 |
| Ҳар хил оғирликлар билан кучни ривожлантириш | 20 | 2 | 2 |
| Улоқтириш машқлари тўлдирма тўплар ва ҳ.к. | 6 | - | - | - | - | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| Жами соатлар. | 49 | 4 | 4 | 4 | 5 | 6 | 6 | 6 | 4 | 4,5 | 4,5 |

12-13 ёшдан 35 сек дан 4-5 мин гача давом этадиган машқларда махсус чидамлиликни ҳамда 1 соатгача давом этадиган машқлар орқали умумий чидамлиликни ривожлантиришга ўтадилар. Ўртacha масофаларга югуришдаги машғулотларнинг биринчи босқичи, масофа бўлакларини текис ва белгиланган тезликда югуриб ўтишдан бошланади. Кейинчалик машғулотларга бўлакларни ўзгарувчан тезликда югуриб ўтиш киритлади. Масофаларни турли бўлакларини белгиланган тезликда қайта югуриб ўтиш айrim бўлакларини турли тезликда ўтиш билан алманиб турилади. 100-200-300 м га турлича югуришнинг машғулотга киритилиши машқни тобига келтиришга ёрдам беради. Бунда эътибор югуриш техникаси элементларини эгаллаш ва нафас олишни такомиллаштиришга қаратилган бўлади.

Турли хил тўсиқлардан ўтиш билан боғлиқ бўлган машқларни қўллаш, ғовларни забт этиш техникасини яхшироқ эгаллашга ёрдам беради. 12-13 ёшли болаларни ғовлардан ошишга ўргатаётганда, биринчи навбатда, тезликни, эгилувчанликни, харакатлар координацияси ва ритмини ривожлантирувчи машқларни қўллаш керак. Машқлар орасида дам олиш вақти камайтирилиб ёки кўпайтирилиб юкламанинг йўналишини ўзгартириш ва самарасини кўпайтириш ёки камайтириш мумкин.

Мактаб енгил атлетика секциясида шуғулланувчи ёш спортчилар жисмоний тайёрлаш мактаб дарси ва айниқса мактаб енгил атлетика секциясидаги спорт машғулотларининг энг муҳим таркибий қисмларидан хисобланиб, ёш спортчилар организмини хар томонлама ривожлантириш, соғлиқни мустаҳкамлаш, функционал ва жисмоний имкониятларини ривожлантириш, такомиллаштириш ва тайёргарликнинг барча бошқа турлари учун мустаҳкам функционал база яратишга йуналтирилган жараён сифатида тушунилади. (М.С.Олимов, Н.Т.Тўхтабойев, Ф.А.Керимов,2001,2005 М.Н.Умаров,2005; К.Т.Шокиржанова,2009; Ю.М.Юнусова, 2005 Локтев С.А, , 2007; Марков Г.В.,2009 ва бошқ.)

Тадқиқотимизнинг сонги қисимларида куч чидамлилигининг ортиши муносабати билан 2-3 килограммли оғирликлар билан ўтказиладиган машқлар сони кўпаяди. Куч машқлари нисбий мушак кучининг камайиши туфайли чегараланади. Ўсмирлар ва ўспириналар билан ўтиладиган машғулотларда турғун вазиятларни, кичик хажимдаги машқлардан фойдаланиш лозим.

Ёш спортчиларни иродасини максимал даражада намоён этилиши талаб қилинадиган мусобақа вазиятлари максимал кучнинг ривожланишида катта натижа беради, аммо бунинг тайёрлигини қатъий индивидуаллаштириб баҳолашда фойдаланиш керак. Кичик оғирликлар (максимал вазннинг 10% дан кам) кучни ривожлантиришда мақсадга мувофиқ эмас. Улар мушак кучини орттириш учун зарур шароит яратмайди, бу ҳолатда меъёридан ортиқ тикланиш таъсири жуда кичик. Кучни ривожлантириш учун қулай морфологик ҳамда функционал шароит 9-10 ёшларда юзага келади.

Жисмоний сифатларни ривожлантиришнинг тузилишга хос асослари таянч-ҳаракат аппарати, марказий ва периферик асаб тизими, ички аъзолардаги ижобий морфологик ҳамда биокимёвий ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқ. Демак, жисмоний сифатларнинг ривюжланиш даражаси соматик ҳамда вегетатив фаолиятларнинг мувофиқлигига тўғридан -тўғри алоқадор. Ёш спортчи ўқувчиларни максимал кучнинг намойиш этилиши билан боғлиқ спорт турларига эрта жалб этиш ўзини оқламайди. Биз бунда мактаб енгил атлетика секциясида шуғулланувчи ёш спортчи ўқувчилар кучини тарбиялаш ва машғулот самарадорлигини ошириш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар ва педагогик тажрибаларда, ўқувчиларни хар томонлама етук маънан хам жисмонан шакилантириш бажарадиган машқларининг ҳажми ва бажариш шиддатини функционал ва жисмоний тайёргарлик даражасини инобатга олган ҳолда индивидуал аниқланди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар:

1. “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни //Халқ сўзи. - 2000, 28 май.
2. “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни //Туркистон газетаси..
3. “Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қонуни //Халқ сўзи
4. “Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қонуни //Халқ сўзи. - 2002, 31 октябр.
5. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7ж. Ўзбекистон. -
6. Абдуллаев А., Хонкельдиев Ш. Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти. - Т.: ЎзДЖТИ, 2005. - 231 б.
7. Андрис Э.Р., Кудратов Р.К. Енгил атлетика. - Арзуманов Г.Г., Малыхина Л.А., Мартынова Н.Б. Легкая атлетика в Узбекистане. - Ахматов М.С. Таълим тизимида оммавий спорт соғломлаштириш ишларини бошқариш: Монография. - Т., 2003. - 352 б.
- 11.Ахмедова Д ва Икромов А . “Баркамол авлодни шакллантиришда жисмоний тарбия ва спортнинг тиббий асослари”.
8. Achilov A.M., Akromov J.A., Goncharova O.V. Bolalarning jismoniy sifatlarini tarbiyalash: o'quv qo'llanma. - T.: Lider Press, 2009. - 203
9. Бойко А.Ф. Подготовка к ответственным соревнованиям бегунов на средние дистанции //Предсоревновательная подготовка бегунов высокого класса. - М.: ФиС, 1971. - С. 49-67.

10. Бальсевич В.К. Онтокинезиология человека. - М., 2000. - С. 84-99.
11. Бондарчук А.П. Управление тренировочным процессом спортсменов высокого класса. - М.: Олимпия Пресс, 2007. - 272 с.
12. Верхohanский Ю.В. Принципы организации тренировки спортсменов высокого класса в годичном цикле //Теория и практика физической культуры. - М.,
13. Верхohanский Ю.В. Программирование и организация тренировочного процесса. - М.: ФиС, 1985. - 176 с.
14. Волков Н.И. Биомеханические факторы спортивной работе способности. Биохимия.
15. Вскилян К.М. Различные варианты использования интервального упражнения в структуре предсоревновательного этапа тренировки (бегунов).
16. Годик М.А. Комплексный контроль в спорте //Тренер: Теория и практика физической культуры.
17. Гончарова О.В. Ёш спортчиларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириш //Ўқув қўлланма. - Т., 2005. - 176 с.
18. Граевская Н.Д., Далматова Г.И. Спортивная медицина. Курс лекции и практические занятие. - Т.: Советский спорт, 2004. - 304 с.
19. Дорохов Р.Н., Губа В.П., Петрухин В.Г. Методика раннего отбора и ориентации в спорте: Учебное пособие. - Смоленск,
20. Евтеев В.И., Макаров А., Варшавский Б.Предсоревновательная подготовка //Легкая атлетика. –
21. М.Жилкин А.И., Кузьмин В.С., Сидорчук Е.В. Легкая атлетика: Учеб.пособие для ВУЗов. - М.: Академия, 2003. - 464 с.
22. Ивочкин. В.В., Ю.Г.Травин., Г.Н.Королов., Г.Н.Самаева. “Легкая атлетика (программа). Москва 2009 й.
23. Ивочкин В.В. Нормативные требования к многолетней подготовке юных бегунов на средние дистанции//Легкая атлетика.

Қўшимча адабиётлар

24. Керимов Ф.А. Спорт соҳасидаги илмий тадқиқотлар. - Т.: Zar qalam, 2004. - 334 б.
25. Керимов Ф.А., Умаров М.Н. Спортда прогнозлаштириш ва моделлаштириш. - Т.: ЎзДЖТИ, 2005. - 279 б.
26. Кудратов Р.К. Соотношение и распределение беговых средств тренировки при развитии выносливости студентов: Автореф. дисс. ... канд.пед.наук.
27. Кудратов Р.К. “Енгил атлетика” Т. 2012.
28. РОСММ низомидан.
29. Кулаков В.Н. Построение годичного цикла тренировки юных бегунов на средние дистанции //Легкая атлетика
30. Локтев С.А. Легкая атлетика в детском и подростковом возрасте: Практическое руководство для тренера. - М.: Советский спорт, 2007. - 402 с.
31. Лидъярд А., Гилмор Г. Бег с Лидъярдом
32. Макаров А.Н. Бег на средние и длинные дистанции.
33. Макаров А.Н. Легкая атлетика. - М.: Просвящение, 1990.- 205с.
34. Максимов А.С. Система комплексного контроля бегунов на средние дистанции //Теория и практика физ. культуры. - М., 2000. - №5. - С. 28-30.
35. Матвеев Л.П., Мельников С.В. Методика физического воспитания с основами теории. - М.: Просвещение
36. Матвеев Л.П. Теория и методика физической культуры: Учеб. для ИФК
37. Матвеев Л.П. Основы общей теории спорта и системы подготовки спортсменов: Учеб. пособие.
38. Матвеев Л.П. Теория и методика физической культуры: Учебник для инс-тов физ. культуры
39. Мякинченко Е.Б., Локальная выносливость в беге. - М.: 1997. - 309 с.

40. Никитушкин В.Г., Зеличенок В.Б., Губа В.П.Легкая атлетика: Критерии отбора. - М.: Терра-спорт, 2000. - 240 с.
41. Никитушкин В.Г., Максименко Г.Н., Суслов Ф.П. Подготовка юных бегунов. - Киев: Здоров'я,
42. Озолин Н.Г. Настольная книга тренера. - М.: Астрель, 2003. - 672 с.
43. Озолин Н.Г. Легкая атлетика. - М
44. Талага.Е Энциклопедия физических упражнений 2000 й

Амалий таъсиялар.

Мактаб егил атлетика секциясида машғулотлар самарадорлигини ошришда куйидаги машғулотлар намунасини келтирамиз;

Машғулот бошида секин югуриш 3-5 минут;

1. оёқларни юқорига құтариб сакраш ва икки оёқда ерга қўниш 1 минутда, 4 мартадан;
2. тизаларни баланд құтариб югуриш 30 сонияда 4 мартадан;
3. тизаларни кўкрак қафасига текизиб юқорига сакраб оёқлар олдинга чўзилган холатда сакраш хар қадамда 30 сонияда, 4 мартадан;
4. турган жойда тизаларни кўкрак қафасига текизган холда юқорига сакраш 30 сонияда 4 мартадан;
5. турган жойда юқорига сакраш тизалар букилган холатда 30 сониядан 4 мартадан;
6. ёш спортчилар доира шаклида отришган холда мураббий доира марказида тўпни юқорига отиб илиб олиши керак бўлган ёш спортчи исмини айтади 3-4 дақиқа;
7. ёш спортчилар доира шаклида бир оёқлаб доира бўйлаб харакат қиласида мураббий сигналидан сўнг оёқлар алманинилади 3-5 дақиқа;
8. Оёқ таги билан тўла депсиниб сал-сал сакраб югуриш оёқ букулмай ерга қўйилади;

